

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. M

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 24-sentyabr • № 39 (4074)

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ТАРИХНИ БИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Миллий матбуот марказида Бобур номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририятида нашр этилган Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" китоби тақдимоти бўлди.

Ҳозирда ёзувлари жуда яхши сақланган сип-силлик қорамтир қайроқтош музей кўрғазмаларига қўйилган. Бобур дастхатлари ва тошбитикларини ўқиган машҳур тарихчи олим А.А.Семёнов: "Бобур тошбитиклари жаҳоннинг энг машҳур музейлари зийнати бўла олади", деб ёзгани бежиз эмас.


Тақдимот

Халқимиз тарихини ўрганишда ўтмишда яратилган нодир манбаларнинг аҳамияти беқиёс. Тақдимотда Бобур номидаги халқаро жамғарма-нинг аждодларимиз меросини ўрганиш, бобокалонларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш, муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма китобларни излаб топиш ва жамоатчиликка тақдим этиш борасидаги хайрли ишлари ҳақида сўз юритилди. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асари ҳам ўрта асрлар тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб, уни адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов ва таржимон Янглиш Эгамова ўзбек тилига ўғиришган. Бу китоб милодий 1544 йили Қашмирда (Сринагар шаҳрида) Абдурашидхон ибни Султон Саидхонга бағишлаб ёзилган. Бу тарихий манбага нисбатан кўп хорижлик олимлар "Бобурнома" билан бир ўринга қўйиб, Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда ноёб китоб эканини эътироф этишган. Хусусан, "Бобурнома"ни инглиз тилига таржима қилган таниқли оlima Аннет Сюзен Бэвериж "Тарихи Рашидий" асари муаллифининг иктидори ҳақида сўзлаб: "Муҳаммад Ҳайдар мирзо мемуар ёзишда Бобурга рақобатчидир", деган.

Филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев "Тарихи Рашидий" муаллифи Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ҳаёти ва ижоди, асарининг илмий ва бадиий қиммати, ўзига хос тузилиши, тарихий шахслар ҳақидаги маълумотларни тасвирлашдаги ҳолислик, айни чоғда Ҳирот адабий муҳитига оид тўлиқ ва батафсил маълумотлар берилганини таъкидлади. Академик Азиз Қаюмов "Тарихи Рашидий"нинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида сўзлаб, бу китобнинг тарих ва адабиётшуносликдаги ўрни, уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш билан боғлиқ масалалар хусусида сўзлади.

Янги китоб тақдимотида сўзга чиққан олимлар ва адиблар Юртбошимизнинг: "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади", деган сўзларини алоҳида таъкидлаб, бу борада Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асари ҳам муҳим манба эканини алоҳида таъкидладилар. Адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов асар таржимасининг юзга келишида ва уни нашрга тайёрлашда катта ёрдам берган Бобур номидаги халқаро жамғармага, олимлар, адиблар ва муҳаррирларга миннатдорлик билдирди.

Рустам МУСУРМОН



Олтин куз саховати

Ёзувчилар уюшмасида

Буёқ бобокалонимиз, бутун умрини илмга бағишлаган математик, астроном, географ, коммуний олим сифатида дунёга танилган аллома Муҳаммад Хоразмий ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари тўғрисида батафсил фикр юрита олим ва адиб Пирмат Шермухамедовнинг бу борадаги изланишлари ибратта молиқдир. Хусусан, адибнинг улуг юртдошимиз, "Ўз замонасининг буёқ математиги, агар барча ҳолатлар эътиборга олинса, барча замоналарнинг энг буёқ математикалари мана шу вазифини адо этиш ҳамда аждодларимиз меросини ёш авлодга етказиш йўлидаги кутлуг қадимлар сирасига киратиш. Янги асарда берилган ўзига

да, халқона тилда батафсил тушунтиришлари ниҳоятда муҳим вазифа саналади. Шу маънода адабиётшунос олим ва адиб Пирмат Шермухамедовнинг бу борадаги изланишлари ибратта молиқдир. Хусусан, адибнинг улуг юртдошимиз, "Ўз замонасининг буёқ математиги, агар барча ҳолатлар эътиборга олинса, барча замоналарнинг энг буёқ математикалари мана шу вазифини адо этиш ҳамда аждодларимиз меросини ёш авлодга етказиш йўлидаги кутлуг қадимлар сирасига киратиш. Янги асарда берилган ўзига

АСАР

МУҲОКАМАСИ

Узбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бошқарган муҳокамада адиб ва адабиётшунос олимлар Маҳкам Маҳмудов, Қозоқбой Йўлдошев, Сафо Матжон, Абдуқолиқ Абдуразақов, Адхамбек Алимбеков, Тоҳир Шермурод, Абдусайд Қўчимов, Ортиқбой Абдуллаев, Аскаралли Сулаймонов, Абдуқалил Ҳазраткулов янги асар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишиб, асарда ифода этилган Ватанга муҳаббат туйғуси билан боғлиқ лавҳаларни янада кучайтириш, айрим тасвирларни ўша давр руҳига мослаштириш китоб қийматини оширишини қайд этдилар ва муаллифга тагишли тавсиялар бердилар.

Муҳокама якунида муаллиф билдирилган қимматли тақлифлар, фикр ва мулоҳазалар учун миннатдорлик билдирди.

Музаффар АХМАД

ДАВР ТАЛАБИ ВА ЯНГИ МЕЗОНЛАР

Мамлакатимизда XX асрнинг сўнгги ўн-ўн беш йил мобайнида юз берган оламшумул сиёсий-тарихий ва ижтимоий-маънавий эврилишлар ўзбек адабиётшунослигининг мазмун-мундарижасида ҳам ана шундай улкан ўзгаришларнинг муқаррарлигини аниқ қилиб қўйди. Янги замон, янги жамият ва янги қадриятларнинг ташкил топиши ҳар бир соҳада бўлганидек, адабиётшунослик илмидан бир талай фундаментал муаммоларнинг ечимини тақозо қила бошлади. Бинобарин, ўзбек олимларининг олдида янги адабиётшунослик илми асосларини қайта қўриб чиқиш ва мустақамлашдек ғоят масъулиятли вазифа турибди.

Бадиият ва назария

биётда нусха кўчириш тамойилининг нечоғли қалтислиги ҳақида (мамлакатларининг ва имконларининг нақадар улканлигига қарамай) рус олимларининг ўзлари ҳам бонг уришарди. "Бошқасига ўхшаб қолган маданият кераксизлиги тўғрисида йўқлиб кетди", деб ёзди Т.Григорьева. Шунга ўхшаш фикрни Б.Резов илгари суради: "Миллий адабиётлар бир-бирига ўхшамаганликлари тўғрисида ҳам баробар яшайдилар". Замондошимиз, улкан рус адабиётшуноси олим Е.Хализев эса масаланинг ҳар икки қиррасига эътибор қилди: "Янги замоннинг халқаро адабий алоқалар соҳасидаги энг улкан ҳодисаларидан бири Гарбий Европа таърибасининг бошқа регионларга (Шарқий Европа ва ноёвропа мамлакатларию халқларига) бўлган интенсив таъсири масаласидир. Ушбу европалашиш ёки гарбланиш, деб аталган оламшумул маданий феномен турли-туман нуқтаи назардан тундир талқин қилинмоқда, баҳоланмоқда. Бу эса битмас-туганмас баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Давоми учинчи саҳифада

да 9-14 октябр кунлари Тошкентда ўтказилган "Art Week Style.uz — 2010" лойиҳасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа маданиятнинг турли соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва иждоқларни қўллаб-қувватлашга қаратилган йирик маҳаллий ва халқаро тузилмалар ҳамда ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Унда ўзбекистонлик ва хорижлик санъат арбоблари, расомлар, мунаҷҷилар, кино, театр ва эстрада юлдузлари, мода саноати вакиллари — дизайнерлар, мода уйлари, брендлар соҳибларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Ҳафтлиқ анъанасига кўра кўрғазма ва намоишлар, ёш дизайнерлар, фоторасомлар танлови, миллий либослар фестивали, миллий ва хориж модельерлари кўриги, соҳа мутахассисларининг маҳорат дарслари, хайрия концертлари ва жаҳон эстрада юлдузларининг чиқишлари ташкил этилади. Бундан ташқари, хорижлик расом ва усталар кўрғазмаларини тақдимоти бўлади.

"Туркистон-пресс"

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

ёхуд Польша Надарнинг тарихий суратлари...

Юртимизнинг бетакрор табияти ҳамда бой маданий меросига қизиқиш кўчилини кўхна Туркистон ўлкасига сайру саёраткаш Польша Надарнинг ижодий фаолиятига назар ташлаганда ҳам шу жиҳатни кузатиш мумкин. Ижодий муҳитда улғайган Польша Надар 1890 йили узоқ сафарда отланиб, Тошкентдаги Бутунжаҳон кўрғазмасига етиб келиши керак эди. Тошкент "Фото уйи"да очилган "Туркиядан Туркистонгача, 1890" деб номланган кўрғазма мавзуси учун мана шу сўхат жараёна-

ри асос қилиб олинган. Париждан йўлга чиқиб Боку орқали Туркистон ҳудудидаги ўлкаларга ташриф буорган суратчи икки ой давомида минтақани Транскаспий магистрალი бўйича аввал поезда, сунгра отда айланиб чиқди. Кундалиқ ҳаёт, маданий ёдгорликлар, табиат манзаралари, темир йўл қурилиши ва бошқа портретларни акс эттирувчи мингдан ортиқ суратларнинг неготивларини тўплайди. Унинг мазкур коллекцияси сурат санъати тарихидаги биринчи ва энг йирик фоторепортаж ҳисобланади. Иш шаро-

итлари, Надарнинг қобилияти ва ўз касбини мукамал эгаллагани сабабли унинг асарлари савия жиҳатидан жуда юқори баҳоланган.

Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази, "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми ҳамда Бадиий академия томонидан ташкил этилган ушбу кўрғазмада сураткашнинг 1890 йили Кавказ ва Марказий Осиё бўйлаб қилган сафари чоғидаги репортаж-суратлари экспозицияга қўйилган. Ушбу суратларнинг Франция Маданият вазирлиги архивларида сақланган қолган қадимий фотонегативлари замонавий технологияларда қайта ишланган. Унинг ҳужжатлилик, тарихий ва этнографик жиҳатлари алоҳида бадиий аҳамият касб этади.

Кўрғазмада намоиш этилаётган асарларни томоша қилиш жараёнида Туркистон аҳолисининг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, реал ҳаёт манзаралари ҳақида қимматли тарихий маълумотларга эга бўламиз.

Кўрғазма 2010 йилнинг 6 октябргача давом этади.

Саида МАНСУРОВА

КИНО МАЪНАВИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан кўплаб истеъдодли адабиёт ва санъат намоёндалари фахрий унвон, орден ҳамда медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида кинодраматург Рихсивой Муҳаммадзонов ҳам бор. У "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" унвонига сазовор бўлди.



Жалолиддин Румийнинг машҳур "Маснавийи маънавий" асари яхлит ҳолда ўзбек китобхоналарига тақдим этилди. Алишер Навоий номидаги музейда шу асар тақдимоти бўлиб ўтди. "Маснавийи маънавий" олти аумий руҳдаги мустақил асарлардан бири бўлиб, унинг илк китобини таниқли шоир ва олим Асқар Маҳкам ўзбек тилига ўғиришган. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан "Маснавийи маънавий" асари форсчадан ўзбек тилига тўлиқ ўғирилгани эса адабиётимизда катта воқеа бўлди.


Кечда иштирок этган таниқли олимлар Наим Каримов, Сўйима Ғаниева, Асрор Самал, Наримон Ҳотамов таржиманинг ушбу нашри тўғрисида ўз фикрларини билдиришди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси

Ушбу сонда:

- *Узайтирилган умр
- *Тоғларда ҳам кўнгила бор
- *Театр — ибратхона
- *Кўнгила кенгликлариди

МУЗЕЙ — ТАРИХ САБОҚХОНАСИ



Мулоҳаза учун мавзу

ҳар ойнинг охириги сешанбасида ун саккиз ёшга бугун йигит-қизларга бир йил давомида бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Бу имкониятлардан қай тариха фойдаланиб, ўз салоҳиятини бойитиш ёшларнинг ўз қўлида.

Музейимизда буюк аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари, байрамларида махсус ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш этилади. «Амир Темур» драмасидан ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов ва Теша Муминов ижросида парчалар намойиш этилганда ҳам музейга келувчилар кўпайди.

Кузатишлардан шунини сездикки, тарихи экранда бўлсада, айнан музей муҳитида тарихий шахслар билан юзма-юз келиш, томошабинни ҳаяжонга соларкан. Шунинг учун ўйлашмики, санъаткорларимиз зиммасидаги юк анча залворли.

Музейлар нафақат ўтмиш, балки келажак ҳақида ҳам сўзлайди. Ўтмишга сўзлашганда музейлар остонасига қадам қўйган инсон, чиқиб кетганда беихтиёр бугунги кунни ҳақида ҳам ўйла бошлайди. Миллатнинг ўтмиши борми, демак келажак ҳам бор. Музейларни бежиз маънавият ўчоғи дейишмайми.

Болалигимиздан ҳаммамиз севиб томоша қилганидан даъво қилиш мумкин, мулоҳазамиз бор. Ёдингизда бўлса, тракторчи тантиқ қаҳрамонимизга соддагина қилиб

Дилдор ҒОЗИЕВА,
Жаҳон тиллари
университети талабаси

Мактабда нафақат ўқувчи, балки ўқитувчи ҳам имтиҳондан ўтиб туради. Ўқувчи имкониятлари фақат мавсум якунида синовдан ўтса, ўқитувчи учун ҳар бир дарс саҳнининг ўзи имтиҳон. Масъулиятни ҳис қилган мураббий шу боис кўшимча кўргазмали қуролларга мурожаат этади. Уйинқароқ болалар диққатини бир нуктага жамлашнинг ўзи ҳам ҳазилакам иш эмас. Бунинг энг самарали йўлларидан бири мавзуга доир экспонатлар билан таништириб, таъбир жоиз бўлса, дарсга жон бағишлашдир.

Бу борада ўқитувчи биринчи навбатда музейлар ёрдамга келади. Одатда вилоят мактабларида мавзули экскурсиялар таътил даврида уюштирилади. Аксарият музейлар пойтахтда жойлашгани учунли, Тошкент шаҳар мактабларининг музейлари билан муноса-



бати анча яхши йўлга қўйилган. Шунинг ҳам айтиш лозимки, мазкур музейлардан ташқари мактаб музейларини ташкил қилиш ва уларда турли мавзудаги экспонатларни кўпайтириш ҳам ўқувчиларнинг дарсга нисбатан қизиқишини кучайтиради. Айтишмики, ботаника дарсини фақат аудиториянинг ўзидан

Менимча, бу гап бошқа мавзулар бўйича ўтилган дарсларга ҳам тегишли. Ҳолбуки, ҳатто ёз фаслида ҳам ёзи оромгоҳлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, музейларга саёҳатлар уюштириш доирасини кенгайтириш лозим. Шахсан биз бу лойиҳага ҳамisha тайёرمىз. Айни дамда «Баркамол авлод» миллий дастурига биноан

Матназар Абдулҳаким бугун орамазда йўқ. Кимдир: «Матназар деганлари қанақа одам эди?», деб сўраб қолса, уни яқиндан билган, асарларини ўқиганлар: «Яхшилар ичра яхши, ҳақиқий шoir, ҳақиқий дўст, кўнгли осмонга талпиниб яшаган инсон эди», деб жавоб қилиши аниқ. Дарҳақиқат, у осмонни севарди, мудом юксакларга талпиниб яшарди.



эди. Кейинроқ унинг «Иймон тухфаси», «Ялдои ёритган нур», «Ҳақ файзи», «Кўнгли кўзлари», «Илм сарчасамалари», «Иккинчи муаллим сабоқлари» каби адабиётшуносликка оид илмий-бадиий китоблари ҳам нашр этилганидан воқиф бўлдик.

Табиатан камгап, сипо, камтар инсон бўлса-да, бироқ кўзлари чакнаб турарди унинг. Мумтоз адабиётимизни пухта билар, арузнинг шайдоси. Навоий ва Оғаҳийнинг маҳлиёси эди аслида. Ҳам шoir, ҳам олим бўлиш осон иш эмас. Бу икки майдонда бирдай истеъдодли намоеён этиб, кибрланмай, ҳаволанмай яшаб ўтиш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Матназар Абдулҳаким ана шундай кишилар сирасидан эди. У ҳеч қачон мен сўрман, деб кўкрагига урмади, ҳар бир сўзини етти ўйлаб-бир кесиб айтди. Шу боис, ҳамма уни баравар ҳурмат қиларди. Сиртдан сокин, вазмин кўринган шoirнинг кўнглидаги битмас-туганмас тиник туйғулар дилбар сатрларида акс этарди:

ТИНИҚ ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Мен осмонга мактублар ёздим,
Рухи юксак, сўзлари олий.
Ҳаёларим самовий эди,
Мактубларим эса — ҳаёлий.

Ушбу тўртлик унинг «Осмонга хат» шеърига тааллуқли. Ана шу шеърда шoir ўтмишда не-не даҳо ижодкорларга ҳам тиниклик бермаган оғрикли саволларни ўртага ташлайди: нега ер юзидан меҳр-муҳаббат устувор эмас, нега раҳм-шафқат, муруват, саховат, эзгуликни ўзига аъмол деб билиш ҳамма одамнинг ҳам қўлидан келавермайди? Нима учун башарият турфа нифоқлар, фитналар, тухматлар ва бидъатлар гирдобидан халос бўлолмайди? Инсон нега бу қадар мурт яралган?... Матназар осмонга талпиниш — коммуналка интиги эканлигини аниқлайди. Айтади: «Осмон мени севмаса ҳамки, яшайвердим унга суйқаниб». Ҳа, маънавий коммуналка элтувчи йўл машаққатлар билан лиммолим. Минг бир азобда ўзингдаги нуқсонларни енгиб ўтишинг керак. Баъзан бу йўлда учраган қийинчиликларга бардош беролмай эзгирасан, умидсизликка тушасан. Лекин ортаг чекинасан, ютқазасан. Юки нақадар оғир бўлса-да, «осмон»га суйқанишинг лозим.

Коровул қишлоғида туғилиб ўсди. Санаси 1948 йил, 20 феврал. Бир гал учраганимизда у: «Менинг туғилган кунимда Хоразмда ташқари анча совуқ бўлди, мен эса исиб кетаман. Чунки ичкаримиз ҳамisha илиқ», деган эди. Кўпгина Нажмиддин Кубро, Замаҳшарий, Султон Жалолиддин, Паҳлавон Маҳмуд, Оғаҳий, Мунис, Ферузидан ривоятлар айтар, уларнинг ибрати ҳар бир қалба муҳрланишини истарди. Мен эса бу ҳикоялардан завқ олардим, уни журналистика соҳасида ҳам қалам тебратишга ундардим. Қайсидир

Матназар умрининг сўнгги 13 йилини Президентимиз ташаббуси билан Хивада қайтадан бунёд этилган Хоразм Маънавий академиясида илмий иланишлар, тадқиқотлар олиб боришга бағишлади. У ана шу кутлуг даргоҳда ишлаётганидан фахрланарди. У ўзининг илми ва салоҳиятини маънавий меросимиз намуналарини тадқиқ этишга сафарбар қилди. Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Маҳмуд Бағдодий, Паҳлавон Маҳмуд, Оғаҳий ижодини чуқур ўрганиб, уларнинг янгидан

Ёдном

янги қирраларини кашф этди. Жаҳон адабиётида ўзининг теран фалсафий маънога йўғрилган шеърлари билан шухрат қозонган Мирзо Абдуқодир Бедил ижодида меҳр кўйиб, мустақил тарзда форс тилини ўрганди. Тенгсиз шoirнинг ғазал ва рубоийларини аслиятдан ўзбек тилига ўғирди. Бир вақтлар Оғаҳий Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржима қилиб, ўзбек таржима-шунослик мактабига асос солган эди. Матназар Абдулҳаким ана шу анъанани давом эттириб, таржима-шуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Қолаверса, у қардош туркман шoirлари, рус шеърятининг забардаст намояндари асарларини ҳам ўзбек китобхоналарига тақдим этди.

ЭКОТАРБИЯ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ



Экологик тарбия ёшлар маънавиятини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада юртимизда табиати асраш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг самараси катта бўлмоқда. Табиатни муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси ва «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида «Барқарор экология — келажакимиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

Комилжон Жўраев «Ўзбекистонда экологик муаммоларга эътибор» мавзусидаги маърузасида мамлакатимизда табиат муҳофазаси ҳақида қабул қилинган кўплаб қонун ҳужжатларини ўрганиш, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасида депутатлар томонидан олиб борилаётган фаолиятга тўхтади.

Баҳри муҳитга мадад

Ёш авлоднинг экологик онги ва маданиятини оширишда педагогик жиҳатдан таъсири кучли бўлган тадбирлар самарасига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада «ЭКОСАН» ташаббуси билан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқитувчилари ва ўқувчилари учун тайёрланаётган «Экология» ўқув қўлланмаси эътиборга моликдир.

экологик муаммоларни ҳал этишда фаол иштирокчига айланишлари мумкин. Мутахассислар иштирокидаги она-табиатга муҳаббат туйғувини уйғотувчи машғулотлар, тадбирлар, танловлар ҳамда экотуристик саёҳатларнинг мунтазам, режали тарзда уюштирилиб борилиши экологик онг ва савиянинг мустаҳкамланишида муҳим омил ҳисобланади.

Тадбирда «Ёш экологлар отряди» аъзоларига «ЭКОСАН» рамзи туширилган совғалар топширилди.

Анжуман нияҳасида Орол муаммосига бағишланган «Харитага қирмаган сахро» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
«ЭКОСАН» фонди
бўлим бошлиғи



«ҲИҚМАТЛАР ВА ҲИҚОЯТЛАР»

Яқинда «Мухаррир» нашриёти томонидан минг нусxada чоп этилган «Ҳикматлар ва ҳиқоятлар» китобига донишманд шoir Фаридуддин Атторнинг таниқли шoirимиз Жамол Камол таржимасидаги «Мантук ут-тайр», «Илоҳийнома» ва «Асрорнома» дostonлари ичидан сараланган теран тасавуфий ва ҳаётий мавзудаги бадиий юксак байту мисралар ҳамда ҳар бири ибрат кўзгуси бўлган ҳиқоятлар жамланган. Чуқур билим, кенг дунёқараш, бой ҳаётий тажрибалар махсули сифатида юзага келган мазкур мағзи тўқ ҳиқматлар ва

пурмаъно ҳиқоятлар Олам, Одам, ҳаёт ва умр мазмуни ҳақидаги тасаввур, тушун-кор ва ҳунармандлар, фозилу фузалар билан машҳур. Шунингдек, бу кутлуг маскан азалдан ўзбек адабиётининг бешикларидан бири саналади. Амирий, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Гулҳаний, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор сингари адабиётимиз даргалари мана шу масканда яшаб ижод қилганлар. Устоз ижодкорлар бошлаган ишни бугунги кунда кўплаб ижодкор ёшлар давом эттиряпти.

Яқинда «DAVR PRESS» нашриётида чоп этилган «Зебо Кўқон. Ҳўқанди латиф ҳақида 80 кўшиқ» номли тўпламга кўқонлик қирқ саккиз нафар ижодкорнинг 80та сара

«ЗЕБО КЎҚОН»

қадимий ва ҳамisha навакирон Ҳўқанди латиф ўзининг бой тарихига эга бўлган шаҳарларимиздан. Кўқон шoir ва олимлари, санъаткор ва ҳунармандлар, фозилу фузалар билан машҳур. Шунингдек, бу кутлуг маскан азалдан ўзбек адабиётининг бешикларидан бири саналади. Амирий, Нодира, Маҳзуна, Увайсий, Гулҳаний, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор сингари адабиётимиз даргалари мана шу масканда яшаб ижод қилганлар. Устоз ижодкорлар бошлаган ишни бугунги кунда кўплаб ижодкор ёшлар давом эттиряпти.

шeърлари, дostonларидан парчалар, қасидалари, ғазаллари ва латифалари жамланган. Ушбу китоб ўқувчини Кўқон адабий муҳитини узоқ ва яқин ўтмиши билан таништиради. Унда жамланган турли давр ва адабий жанрларга мансуб асарлар китобхонга эстетик завқ беради. Уни она-юртни севишга, қадим ва навкирон Кўқон шахри қадрини баланд кўтаришга чорлайди.

Тўплам тузувчиси Мўйдинжон Йўлдошев. Китобга филология фанлари номзоди Рус-тажон Тожиев сўзбоши ёзган. Мухаррир Муроджон Тиллаев.



«Асрорнома» дostonлари ичидан сараланган теран тасавуфий ва ҳаётий мавзудаги бадиий юксак байту мисралар ҳамда ҳар бири ибрат кўзгуси бўлган ҳиқоятлар жамланган. Чуқур билим, кенг дунёқараш, бой ҳаётий тажрибалар махсули сифатида юзага келган мазкур мағзи тўқ ҳиқматлар ва

Умид билан сочмоқда ёғду,
Нурли чопларим — кўларим.
Улар эди сўмас... Элчига,
Улим йўқ-ку, ахир, дўстларим.


Ўтқир РАҲМАТ

У тикланиш (реанимация) бўлимида эди. Бир ҳафта бурун уйга бориб уни кўрган эдим. Лекин аҳоли оғирлашиб яна касалхонага ётқизилганини эшитганча, сабрим етмай хабар олгани бордим.

- Барибир, кўришим керак.
— Сиз кими бўласиз?
— Укаси, шогирди.
— Аҳоли оғир. Одам танимамайди, — деди ҳамшира.

Омон МУХТОР
Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати

УЗАЙТИРИЛГАН УМР



Суратчи Соҳиб МАХҚАМОВ бисотидан.

кадим. Рўпарада, тўрда Одил аканинг қара-воти. Боши устида чирок ёнар, у сўнук кўзлари-ни шифтга тикиб ётар эди. Бир қўлига дори томизғич уланган, қўкси очик, қўксига ҳам игна санчилган. Иккинчи қўли тўшакка вазимин босилган.

Уни кўриш баробарида, қараёт ёнида турган хушқомат-ёш ҳақимага кўзим тушган эди. Ҳақима бунга кўрсига имо қилиб: — Фақат икки-уч дақиқага ўтирасиз. Гаплашмиш қийин. Фойдаси йўқ. Сезмайди, — деди.

Мен Одил аканинг ҳолатидан гапни қолган эдим. Неча кундан бундан у ҳасталик азобини чекаётгани. Умр, шами бора-бора сўнаётгани билсан-да айтиш шу дамгача, қанча кишилар бу бўлимда ўнлабни пала-тага кўчирилди, Одил аканинг ҳам аҳоли унча ёмон эмасдир, у кучли киши, ҳали ту-залади, деб ўйлаётган эдим. Бу кун касал-хонага келаётганида ҳам, у билан ҳар қанчонга дейдирлашди, жилла курса, икки оғиз сўзлашиб мумкин, деб ўзимни-ўзим ала-даётган эдим. Шу дамда эса йўлакдаги ҳам-шира, хонадаги ҳамширани айтганлари бундан аччиқ ҳақиқат эканлигини тушунадек бўлдим. Шунга қарамай, умидли кайфият мени ханон тарк этганидан, ҳақима оғла-нлигини ҳақимият бермай, Одил аканинг кўлини бир дам тутиб сийпалагандек бўлдим. Одил ака, бу мен, дедим. Сизни яхши кўрагимиз, Одил ака, дедим.

Лаҳза ичида кўп гаплар ҳаёлимдан кечди.

У билан қанчон, қандай танишганимни эс-ламайман.
Адабий давра — бир оила. Талабалик йил-лари турли йиғинлар, учрашувларда қатна-шиб, ном қозонган ёзувчилар орасида Одил акани ҳам кўрган, таниган бўлишим керак.

Анча йил бизнинг муносабатимиз оддий дейми, расмийми эди. Одил ака мендан ўн беш ёш катта, у Тошкент давлат дорилфун-ни (ҳозирги Миллий университет)ни ҳам мен ўқига киришимдан бир неча йил олдин би-тирган. Маълум муддат Адабиёт наشريёти-да ишлади (ўшанда мен ҳам муҳаррирлик қилганидан, бирга ишлаган пайтимиз бўлган). Кейинчалик газета бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмасининг раиси сингари рах-бар лавозимларни эгаллади. Мен уни хур-мат қилар, ижодига қизиқиб асарларини ўқиб борганидан, устозларимдан бири деб би-лардим. Аммо бу ўша — адабий даврга, кўнглимда тегишли умумий ҳолат! Бунга яқин-лик-қадрдонликка йўналиш иложи йўқ... Уз навбатда, Одил ака ҳам менга (ижодимга) алоҳида эътибор берган, деёлмайман. Тўри-роғи, ўшанда у мени яқиндан билмаган, бун-

га ҳатто қизиқмаган бўлса ҳам ажаб эмас. Бундан ташқари, унинг атрофида яхши-ёмон шогирди, мухлиси кўп эди... Умуман, ўша пайтлардан менда қолган таассурот, Одил ака катта-кичик демай, барча билан бирдек яхши муносабат тутар, шу билан бирга, у ўзини афтидан "дахлсиз" деб билган киши (қандайдир "ёлғиз қарвон") эди.

Узоқ йиллар давомида ора-даги муносабатдан кичик икки муносабатдан қолган эдим. Мен ҳали наشريётда ишламасдим. Одил ака бош муҳаррир ўрин-босари эди. Дастлабки "Йиллар шамоли" романи чоп этиладиган бўлди. Бир кун кутилмаганда мени Одил ака қидираётгани айтишди. Бордим. Одил ака кўлбемани ўқиган экан, ҳали айтганим оддий-расмий, мен — шунчаки муаллим, у — шун-чаки ношир, асар босарида гаплашдик.

— Ёш дўстим! Китоб босилади, — деди Одил ака. — Лекин унча ақил ўқирганим бир кўрсангиз... — Кейин, менга "Ўзбекистон учун шўронинг пахта сийса-ти қанчалик зулмга айланган"ни рўйроқ гапирди кетди. — Кишлоқ ҳаёти "далада

да у "Адолат манзили" деб асар ёзганида эмас, биров эътибор берган-бермагандир, илк асарларимдан "Муқаддас" қиссасининг ўзи ҳаётдаги адолатсизликка қарши ис-ёнчан. "Диёнат" романида ҳам, "Улугбек ха-зинаси", "Кўхна дунё" тарихий романлари-да ҳам у шу тўғрисида келиб чиқа-ганини кўрагимиз. Одил ака сўхбатда баъзан Аб-дулла Қаҳҳор ёки Озод Шарафидинов тўғрисида гаплар эди. Бу икки ки-шининг адабиётга талаб-чанлиги, ҳақиқат ва адо-латли диққат марказида тутишгани виждон-ли инсон ва виждонли ёзувчи сифатида Одил ака учун афтидан мўҳим эди.

У — адабиётга тўғри, ҳаваскорлик даври-ни бошдан кечирмай қирганлардан. Тасав-вур қилинг, Туркистон тумани Қарноқ ки-шлобда туғилди, ўрта мактабни тугатиши билан аскарликка чақирилган, иккинчи жа-ҳон муҳорабасидан кейинги япон урушида қатнашган. Шу боисдан, дорилфунда ўқишни ҳам бир оз кеч — ўттиз ёшида би-тирган, лекин шу орада нарий асарлари (ҳикоя, қиссалари) босилиб, драмалари те-атр сахнасида қўйила бошлаган эди. Унинг асарларида уруш мавзусига қайта-қайта му-рожаат қилинган. Мўҳими, Одил ака ёшлик-дан ҳаётни кўрган, бир ўлимдан қайтган эди. Унинг жиддийлиги, босиқлиги, баъзан да-гал ва кескинлиги маълум даражада шу тар-жимаи ҳол билан ҳам боғлиқ.

Аммо ўз даражасини билиш, ўзига ишонч, гурур баробарида, у "деҳқонча" содда, од-дий ва камтар, бағрикенг инсон. Барча ади-лар, айниқса, ёш ижодкорларга меҳрибон эди. Адабиёт оламида ҳар хил ҳолат учрай-ди, раҳм хон. Устоз Миртемирдан кейин, а-трофида кўпроқ ёшлар тўплаган киши — Одил ака эди. Одил ака эринмай-огринмай гоҳида ўзи уйга қўнғоқ қилиб, ишларинг қандай кетяпти, қўнғоқ қилиш, деб ҳол сўра-р, қайсида даврга бирга боришни тақлиф ҳам қилаверарди. Бирон масала бўйича ҳа-ёлида қандайдир савол турган, мен катта-ман, мен устозман, деган фикрга бориб ўтирмай, самимий кўйда сенинг мулоҳа-заларинг босиб эшитарди.

Мана, энди у — ёш саксондан ҳам ўтган, уйдан кам чиқаётган кунлар. Гоҳ-гоҳи ўзига бориши зарур туолган "жойлар" — дав-рларга асар ўғли Исқандар етағида йўл олар (шу ўринда айтиш керак, Исқандарга тўғри-лик, оддийлик отасидан "юққан", баъзан и-чкарига кириб, баъзан ташқарида ҳам қо-лаверарди), Одил акани қанчалик қисташ-син, яна тез уйга қайтар эди.

Асосан, умри шундай, уйда ўтаётганига қарамай, оила аъзоларининг гапмуўли-да бўлак — кунда бўлмас-да, кунора тенгдошлари ва уларнинг фарзандлари, ўз ука-шогирдларию, мухлислари Одил ака-дан хабар олиб туришарди... Умуман, яна Миртемир акага қиёс, Одил аканинг уй-да доим дастурхон очик эди. Янгимиз Ма-рия опа унинг ўз-қўзига қарайди. Уни авайлаб келган. Авайлайди.

Хуллас, Одил ака сўнги пайлар ҳовли-да, айвон етағидаги йўлакда бир соат-ярим соат "оёқнинг чигилини ёшиш учун" нари-бери юришни одат қилган. Яёв юришининг фой-даси ҳақида гап қилганида ўзи гўлчила бун-ди айттар эди. Бир кун боши айлангани, ҳар ҳолда шу йўлда яқинлик қолган, суяк-лари зарб етган экан. Жаҳонғашта журналист ва адиб Анвар Жўрабой билан борсақ, ойна-ванд айвонга ичкаридан анча қўнғоқ чик-ди. Лекин курсига жойлашиб олган, дадил-лашгандек бўлди. Фақат, унинг гап оҳанги менга унча ёқмади, у ўз ҳаёти ҳақида, ин-сондан дунёда нимадир қолиб-қолмаслиги ҳақида, неғадир "тобутхалиқ" ҳақида гапир-ди, бунинг бари васийатга ўшар эди. Кейин-ги йиллар у "Осиё банди" романи иккинчи китоби устида ишлаётган, кўпроқ ҳаёлини шу асар тақдирини банд этаётган эди, мен уни "чалитиш" учун шу ҳафта сўрадим. Бироқ бу борада унинг гаплашгани келмади.

У икки ойдан кўпроқ вақт хасталик азоби-ни кечди. Бир нуктага фаромуш ва ўйчан ти-килган. Тақдирга гўёки тан берган. Бировага ўз ҳолати малол келмаслигига уринаётган...
Одил ака ўзи ёлғизликда юзлашган уруш давридан матонатта, бардошга ўрганган эди.

Тикланиш (реанимация) бўлимида, Одил аканинг қаршисида туриб лаҳза ичида шу гаплар ҳаёлимдан кечди. Тўғриси, бу — ўй ҳам эмас, сенига янги ва қадри бир киши-нинг ҳаёти-ю, ўз ҳаётинга дахлдор сезги эди.

Хушқомат ёш ҳақима яна курсига имо қилди. Кейин, Одил ака тўғрисида: — Ҳаёти тугаган. Биз унинг умрини уч-тўрт кунга узайтирармиш, холос, — деди. Курсига бир нафас ўтиргач, мен учун бу Одил ака билан сўнги мулоқот, у билан ви-долашув эканлигини ҳис этдим.

Бўзимга нимадир тикилди. Касалхонадан кўча чиққангидан сўнг, на-заримда ҳақиманинг овози қўлоғим остида ак-садо бераётгандек бўлди: — Биз унинг умрини уч-тўрт кунга узай-тирармиш... Худойим! Бу дунёда чинкамимга инсон-нинг умрини унинг эзгу ишлари, ёзган асар-лари узайтирмайдими!..

Бошланиш биринчи саҳифада

Замондош олимлар европаласти-нинг ноеропа маданияти ва адабиёти учун ҳам салбий, негатив, ҳам позитив томонларига диққат қаратишмоқда". (Юқорида гап маданият ва баъий ада-биёт ҳақида бораётган бўлса-да, уни ҳеч иккиланмасдан адабиётшунослик илми-га нисбатан ҳам қўллаш мумкин.)

Шуларни ҳисобга олсак, "Наҳотки, адабиётшуносликда ўз йўлимиз йўқ?", деган савол тургани. Шарқ дунёқарши, диний, ҳудудий ва миллий қадриятлар-га суянган ўзимизнинг адабий-танқидий тафаккуримиз наҳотки қоримизга яра-мас? Агар ҳаммасини четдан — рус, немис, инглис, француз, испан ва аме-рика сингари илғор мамлакатларнинг адабиётшунослигиндан "қарз" олиб ту-ришда давом этаверсак, оқибати нима бўлади? "Қарз" олинган андозлар мил-лий руҳда ёзилган бадиият намуналарини ҳар доим ҳам беҳамо қўст тушуни-риб беролармикан? Шарқона, ўзбек-она асарлар характери, уларнинг но-зик табиатини аъло даражада очиб, кашф этолармикан?.. Мана шуларни ўйлаганда, кўнгилдан беҳтиёр ўзимиз-никини яратиб истаги тувилади. Асли-да, ичкарда бунинг ҳам энг тўғри йўл эмаслигини тушуниб турамыз. Ҳўш, нега? Чунки маданий-маънавий, сийсий-икти-содий жиҳатдан ўзининг биқик дунёси-да қолшиб, дегани пировардида ҳалоқат-га юз тутишди. Шарқни қайта кашф қилганими, Фарб-дан ўрганишда ла-вом этганими, ҳамма гап ана шу ҳаракатларимиз-нинг меърида: нимани, қарда ва қандай ўрганиш-миш, уни қандай максалларда илмга

таъбиқ этишимиз эртанги адабиётшуно-слигимизнинг буй-бастини белгилаб ту-ришдики, илм дунёнинг ўзгариши бил-лан бир марома қалам ташлаган, ян-гиланган борган. Асло бир жойда ўтхат қолмаган. Жамият ҳаётидаги ҳар қан-дай ўзгариш алақоқбатда уни тушу-ниш ва тушунтириб бераётган усткур-тми соҳалари тизимидаги новаторлик-ларни тақозо этган. Демак, янгилик яшаш тартибимизнинг ажралмас бир қисми экан, ундан қўнмас эканмиш, ҳўш, замонавий ўзбек адабиётшуно-слиги қайси йўлдан боради? Бу борада юқорида таъкидлаганимиздек, ижти-моий-тарихий жиҳатдан илғорроқ мар-табаблар турган, биз етиб келган та-рихий босқинчи нисбатан олдинроқ босиб ўтган халқларнинг тажрибасига бағримизни очишимиз тўғри эмасми?

Ахир, ҳатто рус адабиётшунослиги маълум маънода немис, француз, аме-рика каби илғор адабиётшуносликка суяниб келди-ку. Ичтиро қилинган нарсани қайтадан кашф қилганига умр ва кучни сарфлаш исрофгарчилик бўлмайми?

Тўғри, ўзга халқларнинг ўз қадри-ятлари, дунёқарши ва менталитетлари бир. Баъзан улар дунёга бошқача ра-курсдан туриб қараш, уни ўзига хо-с тарзда баҳолаши мумкин. Шундай вақ-тда Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётшу-нослигининг улғў ўғитларига, унинг яшовчан, ўлмас мезонларига суяниш жоиз. Ҳар икки ўлчов ҳам иш берма-ган чоғда, албатта, ўзлимизга ва дунё кешанг нуктада туриб янгилини яра-тишимиз даркор бўлади.

Уйлашмиш, чинкам замонавий ада-биётшунослик ана шу тоғларга суяниб, даврин, замондош инсоннинг кайфия-тини теран ҳис қилган ҳолда ўз йўнали-шини белгилаб олиши керак. Чунки йўлнинг бошидаги қанча қўнғоқ туши-ши ҳеч қимга сир эмас. Йўл тўғри тан-лашмиш, тўғри йўлдаги ҳаётлар бутунлай янгилиш йўналишига тушиб олиш қарши-ида худудам кичкина бўлиб туолади. Мисол учун, муайян бир халқнинг ўзак қадриятларига ёт андозани муайянлаш-тириш ва у билан баъий асарни баҳо-лашга уриниш алақоқбат миллат руҳия-тида хаосни туеириши мўҳтарак. Шунинг учун ҳам мос тушиш-тушумаслигидан, ишга яраш-ярамаслигидан қатъи назар,

саволга қоникарли жавоб олишга етар-ли асос бўлолмайди. Чунки, масалан, "Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати" Ж.Жойнинг бутунлай бошқача услуб-да ёзган асари, "Улисс" эса бошқа — қийин, анъанавий реалистик прозани ўқиб-ўрганиб (хўнқиб) қолган ўқувчи учун "ўқиб бўлмайдиган" асар. Бироқ бу каби сабаблар "Улисс"нинг ўзбек ти-лида чиққиши зарурлигини эгирча ин-кор этолмайди.

Дарвоқ, атоқли рус олими академик Д.Лихачёв таъкидлаганидек, ўзини мада-ниятли ҳисоблайдиган ҳар бир халқ "Улисс"нинг ўз тилидаги таржумасига эга бўлмоғи керак. Обрули олимнинг тўғри фикрини қу-ватлаб айтсак, "Улисс" ўтган аср проза санъатининг тараққиёт йўлларида бел-гиланган роман ва роман жанрида яратил-ган ёт бетакрор асар сифатида эътироф этилган. "Улисс" ўз ичига Фарб адаби-ётини жамкиб услублари ва усуллари бил-дан қамраб олгани нуктага назаридан "Адабиёт қомуси", XX асрда адабиётда пайдо бўлган ўнлаб йўналиш ва оқимлар-га манба бўлгани боис "Модернизм Ин-жили", дея таърифланган. Қолаверса, суз санъати воситасида одам ҳақида айтили-ши мумкин бўлган ҳамма гап "Улисс"да деярли айтилган, дейилади. Бу каби ум-вий эътирофлар асарнинг ўзбек тилида-ги наشريга эҳтиёж борлигини мантиқан далиллайди, деб ўйлашимиз.

Таржимон сўзбошида "Улисс сарту-

роитларида яшагани боис, дунёни ту-шуниш ва тушунтиришда ўзига хо-с та-фовутнинг бўлиши ҳам табиий. Назар-имда, баъий асарни тавсифу таҳ-лил қилишга қаратилган замонавий адабиётшунослигимизнинг поэтик ўлчовлари, мезонлари ана шу содда ҳақиқатнинг мустаҳкам устунларига таянмоғи зарур. Бошқача айтганда, янги адабиётшуносликнинг битта то-мири Фарб адабий-эстетик тафаккури тажрибасидан сув ичса, бошқаси Ша-рқнинг мумотоз поэтикаси булогидан баҳра олиши шарт! Албатта, бу гапл-лар, илм учун янгилик эмас. Ўзбек ада-биётшунослигининг қандай бўлиши кераклиги XX аср аввалидан бери у ёки бу даражада ўрганилиб келинаётган муаммо. Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейинги эврилишлари боис муаммо-нинг долзарблик қирраси яна-да ўткирлашди. Бинобарин, замонавий илм ўз даврига муносиб бўлмоғи, шу даврнинг ўзак моҳиятини, унинг яшаш, ўзлигини намоён этиш қону-

Бадиият ва назария

нийларини очиб бермоғи зарур. Йўқса, у илм бўлмайди. Бас, шундай экан, ўзгариб, турла-ниб бораётган оламнинг қаршисида ту-риб янги, замонавий адабиётшунослик илмининг бутуни ва эртаси ҳақида га-пириш айни мўдда. Чунки биргина

ДАВР ТАЛАБИ ВА ЯНГИ МЕЗОНЛАР

халқнинг бағрига сингиб кетди, асси-милирилик бўлади. Ахир, оламнинг бетак-рорлиги, гўзаллиги ундаги хилма-хил-лик ва ўзига ҳослик билан белгила-ниди-ку! Ҳаммасини айналлаштириш, ўхшаш андозлар билан баҳолашнинг тузатиб бўлмас натижаларга олиб кели-ши қўндек равшан. Айни дамда ўзликни қўриш ва севиб бора-бора илмгаги шовинизмга, ўзига эргашмиш, ўзидан ўрга-ниш эса илмгаги космополитизмга ай-ланмаслиги лозим. Бир пайтнинг ўзида ҳам шовинизмнинг ва космополитиз-мининг тўғрига тушиб қолмаслигини йўли-ни қилиш мумкин эмасдек туолади. Ас-лида-чи? Аслида бундан ўзга йўлнинг ўзи йўқ; олтин ўрталик! Ҳамма гап ана шу ўрталикдаги меърига саждай бишли-да. Ўзликни, миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаган ҳолда, юксак ва ил-ғор дунёқарши эга бўлиш салоҳияти-ни намоён қила олишди! Инсоният ма-даниятини симфоник характерга эга, деб билди Ю.Д. Крптинский. Ушбу фикр-га таянган Э. Халифез ёзда: "Оркестр-нинг тўғроқли янграши учун ҳар бир миллий маданият чекига ўзининг бутун хусусиятларини ақс эттирувчи муайян чолгу алоҳи ролини ўташ ваазифаси ту-шунган".

Буғунги ўзбек адабиётшунослиги ана шу гўят нозик, шу билан бирга халқимизнинг баъий-эстетик қадри-ятларини муносиб баҳолаб олишга қодир йўлдан боради, дея умид қила-миш. Зеро, бунга асосимиз бор: олим-ларимиз, бир томондан, Шарқ мўм-тоз поэтикасининг тарихию асосларини тадқиқ этиб бораётган (Н. Коми-лов, И. Ҳаққулов, Ҳ. Болтабоев, Н. Жумахўжа, Н. Жаббаров каби олим-лар) бўлса, бошқа ёқдан Фарб ва рус адабий-танқидий тафаккури мевалари-нинг илмий истеъмолга тортиш сари ҳаракат қилишмоқда (Д. Куронов, "Фарб адабий-танқидий тафаккури та-рихидан очерклар", 2007), шунинг-дек, амалий ишларни юзага чиқариш-моқда (Н. Каримов, У. Норматов, В. Назаров, А. Расулов, С. Мели син-гари олимлар). Янги, замонавий ўзбек адабиётшунослигининг йўли ана шу ҳаракатларнинг муваффақиятли син-тезида эканига шубҳа йўқ.

Ушбу адабиётшуносликнинг йўли ана шу ҳаракатларнинг муваффақиятли син-тезида эканига шубҳа йўқ.

Улуғбек ҲАМДАМ

“УЛИСС” ўзбек тилида

қибозлар кўпроқ бўлган. "Жойс мўъжизаси" маърифатли дунё-ни хануз ҳайратга солиб келади. Утган аср бошида классик реализмининг қону-ноқодалари вайрон этилганини ва айнан ўша даврда янги адабий мактаблар, йўна-лишлар ва оқимларнинг пайдо бўлганини унинг номи билан боғлашди. Бун-дай эътирофларда Жойс даҳосига офа-ринлар ҳам, таънаю даъношлар ҳам бисёр. Суздан Жойс яратган "Улисс" эҳроми ёзилганидан бери қарийб тўқсон йил ўтган эса-да, инсониятнинг қайсар-лиги ва саркашлиги тимсоли сифатида кўр тўқиб турибди. "Улисс"нинг она тилимида босилиб чиққанини маданий ҳаётимизда воқеа, десак жоиз бўлади. Устоз таржимон Иб-роҳим Фафуровнинг бу роман таржима-сида жазм этганини қутлаш керак. Зеро, "Улисс"ни тушуниб ўқишининг ўзи жуда катта меҳнат, маърифат ва салоҳиятни талаб қилади. Шу боис, унинг таржумаси-га ҳар қандай ижодкор юраги бетлаб қўл уриши қийин масала. Ижодий жасоратини тақозо этадиган бундай иш ўзбек таржи-мачлигини тарихида алоҳида таъкидлаш-мига муносибдир. Чунки "Улисс" таржума-си ижодкордан бу асар аслида қандай ёзилганидан қурилиши қанқалиғи, мав-зулари, юзлари, фалсафий ва диний мо-тивлари, поэтикаси, услуби ва яна му-ҳими, онг оқими ва асотирлар билан бо-лиқликларини пухта билиши талаб қи-лади.



Дониш ҳамроҳ

ди. Булар ҳали таржимоннинг маъ-рифатига тааллуқли талаблар. Асар матни билан ишлаш эса бундан ўн чандон катта салоҳият ва ма-шаққатли ижодий меҳнатни тақозо этади. Айни шу жиҳатларни назар-да тутган ҳолда "Улисс" сарту-заштлари" нашрининг амалга оша бошлаганидан қонқиш ҳосил қилганимиз. Ушбу нашрга та "Улисс"нинг "Санъаткорнинг ёшликда-ги сийрати" романи, "Дублинлик"лар тўпلامидан бери неча ҳикоя ва "Жақомо Жойс" асари ҳамда шетрирдан айрим намуналар ўзбек тилида чиққанини эс-латиб ўтамиз. Демак, Ж.Жойс ижоди бил-лан ўзбек китобхони бир қадар таниш. Бироқ бу танишлик "Улисс"ни ўзбек китобхони қандай қабул қилади, деган


заштлари" таржумасида 2000 йили Москвада "Мастера современной прозы" туркумида чоп этилган Ж.Жойс танлан-ган асарлари жилдигаги асосланганини таъкидлайди. Бу ўн эпизоднинг рус тилига таржумаси ўтган асрнинг 30-йиллари амалга оширилган. Таржимон 1989 йили "Иностранная литература" журналинда В.Хинкс ва С.Хоружий тар-жумасида тўла босилган "Улисс"нинг русча таржумасига ҳам суянганини айт-ган. Ушбу маълумотлар, албатта, мута-хассислар қатори, китобхонлар учун ҳам аҳамиятли. Зеро, "Улисс"нинг турли даврларда турли тиллардаги наشريлари, таъбир жоиз бўлса, Одиссей сарту-зашт-ларидаке фаройиб келган. Мана, орадан салкам бир аср ўтиб, "Улисс" ўзбек китобхони қўлига етиб келди. Модернизм адабиётининг ушбу муноаси таржума-си китобхонларда, таржумашуносларда, ижодкорларда қизгин муносабат уй-ғотишга ишонамиз.

Нобел мукофоти совриндори Хосе Сарамагоннинг бир гапи бор. "Ёзувчи ўз ти-лида миллий адабиёт яратса, таржимон-лар жаҳон адабиётини яратадилар", дей-ди у. Она тилимида жаҳон адабиётини яратадиган захматқаш ижодкорларимиз-нинг пешқадими Иброҳим Фафуровдан "Улисс" эпосеяси давомини кутиб қола-рканмиш, устоз таржимонга куч-ғайрат ти-лаймиш.

Аҳмад ОТАБОВЕВ

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

САҲРОЙИ ЮРАКЛАРГА СОЯБОН БЎЛИБ



ОРОЛ

Ишонаман, қачонлардир гуллар, чинорлар, олчалар ҳамда узумлар оқтўш будулларнинг атрофларида қанотларини ёйиб учар бегумон.

Ишонаман, қачонлардир товуслар, оққушлар, булбуллар ва ҳар хил қушлар сойлар ёқасида илдири отади, куртақлаб, япроқлаб гуллади ҳали.

Ҳар ноли қаламинга тош йўллар яйрағай тағлайин қоқиб: — Тах, тах, тах!

Митти оёқларини қадалган ўрни Киттиги келтирар қайроқ тошларинг: — Оҳ, оҳ...

Тош қилиб яратса эди худойим, юрган йўлларинга тўшалар эдим, оёгингни суяиб: — Воҳ...

Кеча оқшом бир сулув қиз: "Дунё алвон гул... — деди. — Куёш ботиб, чиқса юлдуз, Гулзордан гул юл..." деди.

"Богимизда гулистон бор, боришга йўқ йўл, — деди. — Қизнинг кўнгли қилдан ҳам тор — Боққа "ўғри" бўл!" деди.

"Қаҳ-қаҳ" қудди: "Қизил гул — мен, Бунча бўлма гул... — деди. — Қўрқсанг "ўғри" бўлишдан сен, Йигит бўлмай ўл..." деди.

РАДДИЯ

Соатта ўшаганининг Барчаси — соат эмас. Қанотта ўшаганининг Барчаси — қанот эмас.

САВОБ ИШ

Ошно бўлгим келмайди ақлдаларга. Отин етаклагим келмас ақлдаларнинг жиловдор бўлиб. Мингдан-минг савобдир чинордай тебранмоқ соябон бўлиб саҳройи юракларга...

Юрагинда қопагон ит йўқ, дарвозаси доим ланг очик. Лекин кўтиб олар қонсираб, тўқсон тўққиз қуллук айлаган ҳеч кимга озорсиз ажойиб тулки.

Ё, тава! Пушкиннинг қанотида парвоз этганлар Пушкиннинг парвозини ўргатар эмиш...

САВОЛ

Ажаб, кўз тақдир — қулмоқ, йиғламоқ, Лаблир бевафодай туюлар гўё.

Ҳаётим — тоғлардан оқаётган ирмоқ, Юрак чўққисидан қуюлар дарё.

Айтилмаган дардли бир қўшиқдаймиз, Асло тинчлик бермас бир савол менга: Кўз ёш қолмагунча нега йиғлаймиз?! Кўздан ёш оққунча қуламиз нега?!

Вақтнинг қайроғида тош бармоқларим Пўлат панжаларга айланди бугун — Қора мрамар синар қисимларимда, Гулларни ушлашга қўрқаман энди.


ОТ ҚИССАСИ

Доим улоқ чоған қари аргумоқ Хуркиди, арқонини узди-да кетди. Эгарсиз, жиловсиз гулурди улоқ, Кенг далани отнинг гўмбурни тутди.

Оралаб қирларнинг лола гулларини, Фағлатла тўқинди бир ўчмак тошга. Живнор сездими сўнгги дамларини... Термулиб ўкрайди ботган қуёшга.

Кўзлари сўнгги бор мунгли олайиб, Кулчочқ кезларини ўйлай бошлади. "Отни тиригида ҳалолдайлик", деб, Йўловчи ханжарин қайрай бошлади.

Қорақалпоқчадан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.



Ирода УМАРОВА

Тоғларда ҳам кўнгили бор

ЯЛПИЗГИНАМ

Қишлоқ ёқдан учиб келган қушчалар — Дуоларга тўлиб турар осмоним. Патларидан тўкар меҳр-ғунчалар, Отажоним, ялпизгинам, райҳоним...

Оҳ, ўзимнинг шакар-шарбат сўзлимни, Ажинидан нурлар оққан юзлимни, Бошим қўйсам бағри жаннат ислгимни, Отажоним, ялпизгинам, райҳоним...

Куёшсиз-ку, мен қапалоқ ҳам муз бўлдим, Дийдаси тош, тили тўла туз бўлдим, Шаҳарларда соғинчларга қиз бўлдим, Отажоним, ялпизгинам, райҳоним...

Бармоқ учга келиб турса дилим-ей, Меникмас, сизники шу қўлим-ей, Доим бирга шеър ёзамиз, гулим-ей, Отажоним, ялпизгинам, райҳоним...

СУЛУВ ЮРТ

Оллоҳ қуриб қўйган чўнг қалғам, Тоғ тўсан тўрт ёлларини сенинг. Этагинга сочади шабнам Муздайгина тоғларини сенинг. Кўза сизмас адирларингдан Аёзда ҳам кетмас қўқ оҳор. Заминосини томиларингдан Шифо бўлиб оқар Жондахор. Офтоб кўйиб шиваган нурни Шаббодалар кучади жушиб. Чорбоғларинг — капалақзорлар, Мевалардан турар тўлишиб...

Ҳар келганда қиш улашиб тин Томга қадар қорга йўрақлар... Кейин... яшил қўйлақчаларини Ечиб, пушти кияр қуртақлар... Кейин... янги тушган келиндай Қизаради олма-олчалар... Кейин... бир кун қутилмаганда Ҳазонлардан кўпчир қўчалар... Тўрт фасли ҳам бирдай сулув юрт, Табиату ҳақ суйган гўшам. Булоқларини кўзи сув-сув юрт, Отам, Онам, жоним Гарашам!.. Сендан олган бойлиқларим мўл:



Кўнгили, илҳом, гурур ва ҳайрат... Эвазиви қолармикан шўл — Шоир қизинг берган муҳаббат?!

Яшайман кимнингдир пойини ўпмай, Манфаатга сотсанг — қадр бир танга. Мен шоир бўлганим келганим йўқ-ай, Шоир бўлиб келдим азим Тошканга.

Нимадан қўрқаман, дуолар қилиб Кўзатиб қолганда ялпиз, жайронлар. Олис тоғларда ҳам кўнгили борлигини Билдириб қўйишга келдим, ёронлар!

РУҲ ЭРКИ

Мени девондан қолмади фарқим, Қоғоз ва қаламининг орасидаман. Балоғат ёшидан ўтса ҳам ақлим, Қайсарман қилиғи норасидаман.

Яхшилар пойини поклаган дарё, Ёмонлардан олис оққан уммонман. Менинг исмимақдаси қизлар кўп, илло, Ягона, бетакрор Иродажонман.

Гурурим минг йил-ки турибди янги, Номардларга бермай келдим жойимни. Тупроғимни тоғдан олгану Танграм, Осмон супрасида қорган лойимни...

Мен у билан Болтиқ бўйи шаҳарларидан бири — Таллинда танишгандим.

Кечкурун меҳмонхонада дам олиб ўтириб, кўзим телефон китобчасига тушиб қолди. Мен уни қўлимга олдим-да, "варақлай бошладим. Китобнинг биринчи саҳифасининг илк сатри "Аббосов И.А." фамилияси билан бошланарди.

Кўнглим орзиқиб кетди-да, беихтиёр номер тира бошладим. — Менга "Аббосов И.А." керак эди.

— Мен сизни эшитаман.

— Мен Бокуданман.

— Бокудан?

— Ҳа, Бокуданман.

Сўхбат рус тилида кетаётганди. — Гап шундаки, мен сизни танимаганимдек, сиз ҳам мени танимайсиз. Меҳмонхонадаги телефон китобчасини шунчаки варақлай туриб, фамилиянгизга кўзим тушиб қолди. Шундан кейин, бу ерда ҳам менинг ҳамюртларим бор экан, деб қизиксиниб қолдим.

Трубкдан қулги овози эшитилди.

— Озарбайжонликлар жуда шўх бўлишди, — у бир оз жим турди-да, сўнгра қулганича гапда давом этди: — Шўхлик ёмон маънода эмас, албатта. Ҳар нарсани урганмоқ, ҳар нарсани билмоқ орзуси инсоннинг энг яхши хусусиятларидан бири.

— Яхши хусусият дегансизми? — сўрадим энди озарбайжон тилига кўчиб. — Унда ихозат берсангиз, сизга бир савол билан мурожаат қилсам.

У сўзимга тушунмади шекилли, узр сўради. Озарбайжон тилини билмаслигини қисиниб бўйнига олди.

— Озарбайжондан чиққанингизга анча бўлдимми?

— Мен ҳақон Озарбайжонда бўлмаганман, — деди у.

— Эҳ-ҳа.

— Отам озарбайжонлик эди. Қорабоғдан. У ерда Шуша деган бир жой бор.

"Шуша" сўзини у шундай таллаффуз этдики, ҳатто сўхбат нима ҳақида кетаётганига тушунмай қолдим.

— Отам Озарбайжонда улугвор тоғлар тепасида Шуша номи қишлоқ бор, дерди, мен ўша ерданман.

— Шуша қишлоқ эмас, қўхна, гўзал бир шаҳар.

— Шундай бўлса бордир. Отам уруш йиллари бир эстон қизи билан танишиб, унга уйланган. Урушдан кейин эса ватанига қайтмаган.

Унинг кўнглини кўтарган бўлдим:

— Уруш кўпларни ва-

тансиз қолдирди.

У рус тилида гапирса-да, барибир эстон лаҳжаси шундоққина сезилиб турарди: — Сизга бир таклифим бор эди. — Марҳамат. — Ихозат берсангиз, учрашасак.

— Бош устига. Лекин аввалданок шунга айтишим керакки, мен сиз ўйлаганингиздек ёш эмасман. Мени кўрганингиздан кейин ўз таклифингиздан пушаймон бўлманг, деб қўрқялман.

У яна қулди:

— Мен ҳам унчалик ёш эмасман.

— Нега ёшга киргансиз?

— Ўттизга уриб қўйганман.

— Ҳм. Демак, мен сиздан тахминан икки марта каттароқ эканман.

— Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Сиз тўқсон ёшга кирганман десангиз ҳам, мен сиз билан кўришишдан бош тортмасдим. — Яхши. Розиман.

— Эртага кечкурун соат олтида "Олтин лангар" ресторанида учрашамиз.

У мени уйига таклиф қилса керак, деб ўйлагандим, лекин бу гўзал удум асрий Кавказ тоғлари ортида қолиб кетганини ҳисобга олмай, шундай ўйга боргандим. Эҳтимол, Кавказ тоғ қўққилари баланд бўлганидан телба шамоллар йўлини тўсганидек, қадим удумлар ва аъёнларнинг ҳам бизда сақланиб қолишини таъминлагандир.

Эртаси куни "Олтин лангар" ресторанида учрашдик. Деворларида "Кекса Тоомас"нинг зирх қалқони тасвири акс эттирилган, гира-шира ёритилган ресторанда одам кўп эди. Столлар атрофида аксари кишилар иккиталикитадан ўтиришарди. Ёшлар бир-бирларига кўз тикиб сўхбатлашар, тез-тез шаробли қадаҳларнинг жаранги эшитилиб турарди. Биз томонларда агар шунча одам бир салонга йиғилиб қолгудек бўлса, уларнинг шовкин-суронларидан қулқлар битиши турган гап.

Столлар устида ёниб турган шамларнинг заиф нурида салонни кўздан кечирдим.

Ўнг тарафдаги дераза қаршида ўтирган ёш йигит папиросини қулдонга босиб ўчирди-да, ўтирган жойидан туриб мен томон кела бошлади.

Қаршимда баланд бўйли, елкадор, қора қош, қора кўз, жинглак сочлари бўйнига қадар тушган чиройли бир йигит турарди. Унга қараб ўттиз ёш бериб бўлмасди, у ўттиздан анча ёш кўринарди. Йигит оёқларини жуфтлаб менга бош эгди-да:

— Агар янглишмасам сиз мени Бокудан келган меҳмоним-

сиз-а? — деди.

— Янглишмадингиз.

Мен ўз исминини айтдим. У ҳам исминини такрорлади: — Аббосов Имрон.

Ҳа, унинг исми Имрон эди. Лекин бугунга ургу берганидан унинг оdatдаги озарча исми қулқоқ галати эшитиларди.

Рўпарам-рўпара ўтирдик. Умумий оҳангни бузмаслик учун ўзаро шивирлаб гаплашишга мажбур бўлдик. Барибир овозими атрофимизда ўтирганларнинг диққатини жалб этарди.

Биз қадим шаҳарда қадим обидларнинг сақланиши, замонавий биноларнинг қўхна биноларига мутаносиблигидан, финлар томонидан тикланган Виру меҳмонхонасининг бу ҳаммагилкини бузиб турганидан, "Кекса Тоомас"дан, "Бақалоқ Маргарита" ва "Жажжи Маргарита" минораларининг тарихидан, Пирита соҳилининг инсонни донг қолдирувчи хайратангиз гўзаллигидан, Ратуша майдонидан XVI асрдан бери ишлаб келаётган дорихонанинг фойтада усталик билан таъмир этилганидан, эстон халқининг китоб ҳамда гулларга бўлган мураббатидан, яна ундан-бундан гаплашганча, оқшомни қорайтириб, сонияларни дақиқаларга, дақиқаларни соатларга уладдик.

— Биласизми, шаҳрингизда гуллар турли-туман скамейкаларни безаб тургани менга жуда-жуда ёқди...

— Бу скамейкаларни ҳеч қачон гул-чечаксиз кўрмайсиз. Қор-ёмғирли ҳавода ҳам, ҳоҳ кечкурун, ҳоҳ тонг-сахарда бўлсин, ҳатто кўчаларда қатнов тўхтаганда ҳам скамейкаларни гул безаб туради.

Биз ҳам майли-я, агар гулсиз кетаётганимизни кўриб қолишса, сенга албатта, гул таклиф қилишди. Кеча кечкурун меҳмонхонага қайтаётганимизда бир кампир мени чақириб қолди. Узимча у бирор нарса ҳақида сўрамоқчи шекилли, деб ўйладим, лекин кейин билишимча кампир гул олмаганлигини эсимга солаётган экан. Бу жуда яхши одат.

— Худди шундай. Лекин бу борада японларга етиб бўлмас керак. Улар ҳаётни умуман гул-чечаксиз тасаввур қилишолмайди. Японияда ҳатто гул илми, гул тили мавжуд. Японлар дилларидани баён қилишолмас, дар-

ҳол гулни ёрдамга чақиршади. — Бундан чиқди, Японияда бўлган экансиз-да?

— Дунёда оёғим тегмаган бирор қитъа қолмаган.

— Демак, гулгилган юртингиздан бошқа ҳамма ерда бўлган экансиз-да. Кўрмаганингиз ўзим биргина Озарбайжондир?

Унинг болалариникига ўхшаган куюқ киприклари орасидан менга дунёнинг аччиқ-чучуғини татишган, кўрганларининг моҳиятига тушуниб етган, паст-баландни билиб олган одамнинг, етук инсоннинг кўзлари ўйчан боқди. Энди унга бемалол ўттиз ёш берса бўларди.

— Худди шундай. Отамнинг ватанида бўлганим йўқ.

ВАТАН СЕҲРИ


навий биноларнинг қўхна биноларига мутаносиблигидан, финлар томонидан тикланган Виру меҳмонхонасининг бу ҳаммагилкини бузиб турганидан, "Кекса Тоомас"дан, "Бақалоқ Маргарита" ва "Жажжи Маргарита" минораларининг тарихидан, Пирита соҳилининг инсонни донг қолдирувчи хайратангиз гўзаллигидан, Ратуша майдонидан XVI асрдан бери ишлаб келаётган дорихонанинг фойтада усталик билан таъмир этилганидан, эстон халқининг китоб ҳамда гулларга бўлган мураббатидан, яна ундан-бундан гаплашганча, оқшомни қорайтириб, сонияларни дақиқаларга, дақиқаларни соатларга уладдик.

— Биласизми, шаҳрингизда гуллар турли-туман скамейкаларни безаб тургани менга жуда-жуда ёқди...

— Бу скамейкаларни ҳеч қачон гул-чечаксиз кўрмайсиз. Қор-ёмғирли ҳавода ҳам, ҳоҳ кечкурун, ҳоҳ тонг-сахарда бўлсин, ҳатто кўчаларда қатнов тўхтаганда ҳам скамейкаларни гул безаб туради.

Биз ҳам майли-я, агар гулсиз кетаётганимизни кўриб қолишса, сенга албатта, гул таклиф қилишди. Кеча кечкурун меҳмонхонага қайтаётганимизда бир кампир мени чақириб қолди. Узимча у бирор нарса ҳақида сўрамоқчи шекилли, деб ўйладим, лекин кейин билишимча кампир гул олмаганлигини эсимга солаётган экан. Бу жуда яхши одат.

— Худди шундай. Лекин бу борада японларга етиб бўлмас керак. Улар ҳаётни умуман гул-чечаксиз тасаввур қилишолмайди. Японияда ҳатто гул илми, гул тили мавжуд. Японлар дилларидани баён қилишолмас, дар-



ҳол гулни ёрдамга чақиршади. — Бундан чиқди, Японияда бўлган экансиз-да?

— Дунёда оёғим тегмаган бирор қитъа қолмаган.

— Демак, гулгилган юртингиздан бошқа ҳамма ерда бўлган экансиз-да. Кўрмаганингиз ўзим биргина Озарбайжондир?

Унинг болалариникига ўхшаган куюқ киприклари орасидан менга дунёнинг аччиқ-чучуғини татишган, кўрганларининг моҳиятига тушуниб етган, паст-баландни билиб олган одамнинг, етук инсоннинг кўзлари ўйчан боқди. Энди унга бемалол ўттиз ёш берса бўларди.

— Худди шундай. Отамнинг ватанида бўлганим йўқ.

лаб, шампан шисасини крахмалланган салфетка билан ушлаганча, қадаҳларга шароб қуй бошлади. — Голландиядаги қизил лолаларнинг уруғи қаердан олинганини биласизми? — сўрадим мени ундан.

У шисани дастурхон устига қўйди-да, ёйдек қошлари юқори кўтарилиб, хайрат-ла юзимга қаради.

— Эндиликда бутун дунёга машхур ўша Голландия қизил лолаларининг уруғини Озарбайжондан совға қилиб юборишган. — Жуда ажойиб-ку! Бунақалигини мен билмас эдим.

— Мана шунақа, дўстим, Озарбайжон ҳам гул-чечаклар ўлкаси. Сиз Токио, Париж, Чикаго ҳақида гапиряпсиз. Мен у шаҳарларни кўрмаганман. Аммо-лекин мен учун Озарбай-

лаб, шампан шисасини крахмалланган салфетка билан ушлаганча, қадаҳларга шароб қуй бошлади.

— Голландиядаги қизил лолаларнинг уруғи қаердан олинганини биласизми? — сўрадим мени ундан.

У шисани дастурхон устига қўйди-да, ёйдек қошлари юқори кўтарилиб, хайрат-ла юзимга қаради.

— Эндиликда бутун дунёга машхур ўша Голландия қизил лолаларининг уруғини Озарбайжондан совға қилиб юборишган.

— Жуда ажойиб-ку! Бунақалигини мен билмас эдим.

— Мана шунақа, дўстим, Озарбайжон ҳам гул-чечаклар ўлкаси. Сиз Токио, Париж, Чикаго ҳақида гапиряпсиз. Мен у шаҳарларни кўрмаганман. Аммо-лекин мен учун Озарбай-

ёшу қари ҳаммаси қўшиқ шинавандалари. Уларнинг ҳаммаси қўйлади, овозлари жуда ширали. Бунинг сири нимада? Балки Шушанинг сувида ёки ҳавосида бир ҳикмат бордир, ёхуд тупроғида...

Янги танишим кулимсиради-да: — Отам ҳам қуйлашни яхши кўрарди, — деди. — Ҳаммиша бир қўшиқни хиргойи қилиб юрарди. Биз унинг тилини тушунмасдик.

Унинг қўшиғи ҳалиям қулгимда янграб туради, фақат сўзларини ёдимда сақлаб қолмаганман. Чунки бу қўшиқнинг оҳанги бизнинг қўшиқларимизникидан бутунлай бошқадир. Ёзи ҳам қайгуга чўмган дамларидангина қуйларди у қўшиқни. Унинг қўшиғида висол ташналиғи, саробга айланган муҳаббат қуйларди.

Ота ўз ватанини қўриқлаш учун жанг қилганда, ўғил эса отасининг туғилган диёрига бўлган муҳаббатини қалб қаёрида, у қуйлаган қўшиқ хотирасида ардоқлаб сақлаётди.

У ниманидир хотирлагандай, яна қулқисиради:

— Отамнинг вафот этганига уч йил бўлди. Улимидан тўрт-беш ой олдин Бокуга борганди. Марга бўлгани учун доктор унинг Шушага боришига ихозат бермаганди. Бокудан қайтиб келганидан кейин ўнганмади. Қабримга бир сижим ватан тупроғидан сепгин, деб васият қилганди, — дея сўхбатдошим ўйга толди.

Эшик очилганди, ичкарига қўшининг алвон нури мўралди. Таллинда йилнинг бу пайтларида қуёш жуда кеч ботади.

Кимдир эшикни ёпди. Гўё қуёш нурлари ичкарида қолишдан қўрққандай, тезда уларни йиғиштириб олди. Сўхбатдошим худди уйқудан уйғонгандек жонланди. Узун-узун билдек қадаҳларга яна оз-оздан шароб қуйди. Шаробнинг кўпигидан қўзини узмай қадаҳни кўтарди.

— Сизнинг соғлигингиз ва танишганимиз учун!

— Ташаккур. Бокуда, яъни Шушада қўришиш шарофига.

— Шарқликсиз-да, асл шарқликсиз! Шарқликларда қардошлик ҳисси жуда кучли бўлади. Қардошлар ҳеч қачон жудодликни истамайдилар, жудодликдан қўрқадилар.

— Шундайми? Бунга фақат шарқликларга хос ҳиссиёт деб ҳисоблайсизми?.. Тасаввур қилингки, поездда кетяпсиз. Вагон деразасидан бепоён далаларни томоша қилиб кетяпсиз, дейлик. Бирдан кимдир вагондан йиқилиб кетиши ҳавфи туғилади. Шунда сиз нима қилардингиз?..

Бошланиши биринчи саҳифада

— Тўғриси айтсам, бу юксак унвон мен учун қутилмаган бир шодиёна бўлди, — дейди Р.Мухаммадхонов. — Эсимда, 24 август куни кечқурун дўстларимдан бири кўнғирқоқ қилиб: “Эртанги газеталарни олиб кўринг...”, деб қолди. Ҳаяжонланганимдан эрталабгача уйку келмади. Эрталаб газета олиб кўз югуртирсам, фамилиям биринчи бўлиб турибди. Ишонасизми, ўша соатдан бошлаб тинимсиз кўнғирқоқлар бошланиб кетди. Таниш-билишлар уёқда турсин, кўл учиди зўрга сўрашадиганлар ҳам бир зумда энг яқин дўстимга айланди-қолишти. Президент Фармони, Юртбошимиз имзоси билан ижодий ишларим эътироф этилгани менга ҳам катта куч-ғайрат бағишлади. Яширмайман, шўролар даврида ҳам анчагина кинофилмларга муаллифлик қилганман. Томошабинлар яхши билишди: “Чинор остидаги дуэл”, “Суюнчи”, “Армон”, “Абдуллажон” ва бошқалар. Ушбу филмлар томошабинлар томонидан илиқ ку-

ишлаш у ёқда турсин, баъзан неча марта қайта ёзган пайларимиз ҳам бўлган. Уни ишлаб-чиқаришга, суратга туширишга ружхат олиш учун эса йиллаб кутиларди. Шунинг учунми, кўпинча ўша пайтда “Ўзбекфилм” киностудиясида суратга олинган аксарият филмларнинг сценарийсини москвалик ижодкорлар ёзишарди. Бу филмларда ўзбек актёрлари ўйнагани билан на ўзбекона миллийлик, на ўзбекона характер бўларди. Лекин бу филмларни бирор юрак ютиб танқид ҳам қила олмади. Баъзан ўйлаб қолман, балки “Чинор остидаги дуэл”, “Суюнчи” филмларида миллий руҳ борлиги учун ҳам хориз фестивалларига жўнатишмаганми деб. Хуллас, муваққиллик ижод эркинлигини берди. Билмадим, балки адашадиганларим, лекин назаримда кинодаги бу ўзгаришнинг моҳиятини ханузгача баъзилар тушуниб етмагандай кўринади. Ваҳоланки, ижодда ўзгага қарамадан ёмон нарса йўқ. Шулар ҳақида фикр юритарканман, кинога кириб келадиган ҳозирги ёшларга ҳавасим ке-

саёз, энгил-елпи филмларнинг пайдо бўлиб қолиши ёшларимизнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига қандай қарайсиз? — Шунга айтиш керакики, бадий саёз филмлар авваллари ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Чунки ижодда ҳамма бир хил талантли бўлавермайди. Айниқса, ҳақиқий талантлар доимо камёб бўлади. Кейин талантсизлар нисбатан ишбилармонроқ, урдабуронроқ бўлишарди. Айтишдаки-ку, ёрдам берсанг, талантлига ёрдам бер, талантсиз одам сенсиз ҳам ўз йўлини топиб кетади, деб. Президентимиз кино тўғрисидаги Фармонга имзо чекканда ҳам, энг аввало, талантли ёшларга шароит яратиш кераклигини назарда тутган. “Чумчуқдан кўрққан, тарик экмайди” дейишдаки-ку, бир-иккита саёз филмларнинг пайдо бўлишидан кўрқиб, ўзбек киносида давом этаётган шиддатли жараёни тасвирлашга уриниш тўғри эмас, деб ўйлайман. Вақт имтиҳони деган нар-

юз-хотир қилмасдан муносабат билдирарди. Назаримда, ҳозир адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қаҳҳор ва Озод Шарафиддинов сингари очик ва аччиқ сўзини айта оладиган дарғалар етишмаётгани билиниб қоляпти. Ваҳоланки, бу соҳаларда ўнлаб фан докторларимиз, профессорларимиз бор. Лекин улар нимагадир, матбуот орқали муносабат билдиришга ийманмади. Шунга қарамай, ҳозирги кинода кўнғилга таскин берадиган битта ижодий жараён пайдо бўлди. “Ўзбеккино” раҳбарияти давлат ва хусусий студияларда ишлаб чиқарилаётган барча филмларга талабини кучайтиряпти. Менимча, бирдан-бир тўғри йўл шу. Чиндан ҳам талаб қаттиқ қўйилган жойдагина, яхши асар дунёга келиши мумкин. — Сизни шу вақтгача кинодраматург сифатида таниб келардик. Режиссурага қўл уришингизга нима туртки бўлди? — Режиссурага нега қўл урганим тўғрисида гапирадиган бўлсам, биринчидан, шунга ўқиганман, иккинчидан, сен ёзган сценарийни бошқа режиссёр кўйиши ҳар доим ҳам муваффақият келтирарканлигини тушундим. Чунки сценарийим бўйича олинган ҳамма филмлардан кўнғилм юз фоиз тўлган дея олмаман. Мен билан ишлаган кўп режиссёрлар сценарийнинг моҳиятини тушуниб-тушунамай суратга олиш майдонига чиқиб кетаверишганини кўрганимдан кейин, очик гап, улардан илҳомим қайтди. Ваҳоланки, режиссёр айби билан муваффақиятсиз чиққан филм бир умр ижодий биографияда тамга бўлиб қолади. Ҳар бир томошабинга сценарий аслида бошқача эди, деб тушутири олмаган-ку! Шунинг учун ҳам ўзим ёзган сценарийни ўзим суратга олишга қарор қилдим. Ёмон бўлса ҳам, яхши бўлса ҳам ўзинг жавоб берсан.


Учрашув

— Келгусиз режиссарингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз. — Режиссарим кўп. Бир эмас, бир неча сценарийни бошлаб қўйганман. Очик эътироф этишим керак, арбоб деган унвонга эга бўлганимдан кейин юрагимда кўрқув пайдо бўлди. Ўзи авваллари ҳам ёмон филм ишлашдан кўрқардим, ҳозир ана шу кўрқув ҳисси бир неча баробар ошди деса, муболага эмас. Бошқаларни билмадим, мен ҳар бир ёзган нарсамни бирорва кўрсатишдан қавотирда юрарман, ёзган асарим ўқиган одамга ёқмас-чи деб. Айни кунларда ёмон асар ёзишга ҳақим йўқ, деган ўй менга тинчлик бермай қўйди. Бу гапларим бироз баланларозроқ туюлиши мумкин, лекин бор гап шу. — Кино маънавиятга хизмат қилиши, халқнинг миллий гурурини юксалтириши, айниқса, ёшларимиз онги тўғри шаклланиб, уларни миллат манфаатларига хизмат қиладиган баркамол инсон бўлиб вояга етишига ҳисса қўйиши керак. Акс ҳолда у ёқиди филмни суратга олгандан бери бўлади. Юртбошимиз ҳам барча санъат ахлини, хоҳ кино соҳаси, хоҳ театр бўлсин, шунга даъват этапти. Мен бирор сценарий устида иш бошлаш эканман, мана энди режиссёр сифатида ҳам бирор филм яратишга бош қўшар эканман, ана шу эҳтиёждан келиб чиқишга ҳаракат қиламан.

Гулҳебра УМАРОВА

ТЕАТР — ИБРАТХОНА

Юртбошимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида саҳна санъатининг миллат маънавий камолотидаги ўрнига алоҳида аҳамият бериб, инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Хўш, вилоят театрларида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда. Қандай ютуқ ва муаммолар кўзга ташланаётир.



— Театримиз фаолиятини янада жонлантириш мақсадида, аввало, республикамизнинг истеъдодли режиссёрларини ижодий ҳамкорликка таклиф этдик, — дейди Муллабўйи Тошмухамедов номдаги Қашқадарё вилоят театри директори Зокир Аҳмедов. — Шу билан бирга жамоамизга маданият ва санъат коллежларини муваффақиятли битирган ёшларни жалб этдик. Малака ошириш, тажриба ўрганиш учун уларни пойтахт ва хориздаги машҳур театрларга юбордик. Умуман, жаҳон театр санъатидаги бугунги изланишлар, янги услублар ва йўналишларни ҳам жиддий кузатиб бораёпмиз. Бош режиссёримиз Актам Бойтўраев Москвада бўлиб ўтган халқаро Чехов фестивалида иштирок этиб, МДХ давлатлари театрларидаги бугунги жараёнлар билан танишиб қайтди.

Вилоят театрларида

Айни чоғда, актёрларнинг иш шариоити ва ижодий изланишларига алоҳида эътибор бераёпмиз. Интизом мустаҳкамланди. Театрда иш эрталаб соат саккиздан тренинг билан бошланадиган бўлди. Сўнг бир-бир ярим соат мобайнида репетициялар давом этади. Бир пайтнинг ўзида бир неча жойда репетиция бораётган бўлади. Ҳар ҳафтада бир кун маънавият сабоқларига ажратилмоқда. Шу кун пойтахт ва бошқа вилоят театрларида қўйилган янги саҳна асарлари, уларнинг ютуқ ва камчиликлари, чоп этилган янги бадий асарлар муҳокама қилинади. Бугунги ҳаётни, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди. Театр учун ҳам реклама сув ва ҳаводай зарур. Шу жиҳатдан, театрнинг рекламасиз жонлантиришга алоҳида эътибор қаратаёпмиз. Натижада туманлардаги томошабинлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланди. Олис туманларда томошабинларни махсус автобусларда олиб келиш ҳамда вақти-вақти билан туманларда театр кунлари, айни чоғда, дала меҳнаткашлари хузурида мунтазам учрашувлар ўтказишни йўлга қўйдик. Уларга тақдим этилаётган асарлар, аввалгидек, нуқул концерт томошаларидан иборат эмас. Томошабин эҳтиёжини ҳисобга олиб иш тутиш театрнинг ҳаммавақт улар билан гавжум бўлишига ва пировард натижада актёрларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга ҳам имкон яратяпти.

— Янги асарларга томошабинлар, театр мухлисларининг муносабати қандай. Шу кунларда театр саҳнасида қандай асарлар қўйилмоқда? — Режиссёр Фарҳод Бойназаров Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Кўнғирқоқли алдоқчи” асарини саҳналаштирган режиссёр Актам Бойтўраев ҳам икки йил муқаддам мазкур фестивалда олий ўринга сазовор бўлган эди. Ёш режиссёрларимизнинг бундай ютуқлари, шубҳасиз, барча актёр ва режиссёрларни янги изланишларга илҳомлантирмоқда. Фарҳод Бойназаров маданият коллежининг актёрлик бўлимини тугатган бўлса-да, изланувчанлиги, бугунги саҳна санъати жараёнларидаги ютуқ ва камчиликлардан яхши хабардорлиги туяғайли режиссура санъатига дадил кириб келди, дейиш мумкин. Истеъдодли режиссёрларимиздан яна бири — Акбар Бердиев. У Нафас

КИНО МАЪНАВИЯТГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

тиб олинганга қарамай, бирорта хоризқи иттифоқ фестивалига тақдим этилмаганди. Эсимда, “Чинор остидаги дуэл” филмиимизни Тошкентдаги кичкина “Кўкча” кинотеатридагина намойиш қилишга ружхат беришган. Мен бу гапларни атайлаб ўтмишни ёмонлаш учун гапирарканим йўқ. Ўша йили бизнинг филмиимиз билан бирга чиққан бошқа филмлар фестивалларга ҳам жўнатилади, фестиваллардан мукофотлар ҳам олиб келишиди. “Суюнчи” филмиимизнинг тақдирини ҳам ундан қолмашайди. Мухокамга йиғилган бадий кенгаш аъзолари филми шу даражада авра-астарини ҳаққариб танқид қилишгандики, ҳатто кинони тарқ этиш керакмикин, деган ўйларга борганман. — Бундан чикди, ижодингиз муваққиллик давридагина эътироф этилиб, ҳақиқий баҳосини олинди-да... — Худди шундай бўлди. Ўтган йили “Чол ва набира” филмиимиз ҳам муаллиф, ҳам режиссёр сифатида суратга олдим. Ўша йилиёқ “Энг улуг, энг азиз” республика кўринишининг ғолиби бўлдим. Бу мукофот мен учун қувончли воқеа бўлди. Хурсандчилик кетма-кет келади, деганлар рист экан. Ҳолбуки, шу вақтгача кинодаги ижодимни бир-иккита ҳамкасб дўстларим кино мухлисигагина эътироф этиб келишарди.



Мустақиллик кино ижодкорлари учун берган яна бир имконият ҳақида тўхталиб ўтмасам бўлмайди. Чунки ўзим кинодраматург сифатида шўролар давридаги камситилишларни бошидан ўтказган одамман. Кинодан ўзок одамлар билмасликларини мумкин, лекин шўролар даврида кино ижодкорнинг тақдирини, у сценарийчи бўладими, режиссёр бўладими, фақат Москва ҳал қиларди. Бу ҳам майли, ҳар бир ёзилган сценарийнинг Москва тасдиқларди. Агар унда миллий руҳ озгина сезилгудек бўлса, қайта

қилиши лозим. Эъзулик ва маънавиятни эса, ҳеч қанақа пул билан ўлчаб бўлмайди. Энг муҳими, ана шунини унутмаслик керак. — Урни келганида бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Бир вақтлар ёзувчилар Абдулла Қаҳҳорнинг кўзи тушиб қолмасин, деб ёмон нарса ёзишдан чўчиб туришарди. Чунки Абдулла Қаҳҳор адабиётда пайдо бўлган яхши асарга ҳам, ёмон асарга ҳам дарҳол матбуот орқали муносабат билдирарди. Талантли асарнинг эгасини авайлаб-ардоқларди. Ёмон асар муаллифини эса, ким бўлишидан қатъий назар, аёвсиз танқид ўтига оларди. Ундан сўнга адабиёт ва санъатдаги ҳақамликни Озод Шарафиддинов ўз қўлига олди. У киши ҳам бадий саёз асарни кўрдими,

қатор тизилган симларга урилиб, ажойиб-ғаройиб овоз чиқараётганидан хайратга тушардим. Бу ҳайратимнинг сабабчиси отам эди. Гир-гир айланиб, сўз чалаётган отамнинг олдидан жилотмасдим. Унинг қўлидаги саздан шундай мўъжизавий оханлар тараблётганидан ўзимча гурурланиб қўярдим. Отам ниҳоятда талабчан ва

нақадар тўғри бўлганини ич-ичимдан ҳис қилаётганман, — дейди Сардор. — Чунки ҳақиқий профессионал мусиқачи бўламан деган одам сабр-тоқатли бўлиши, кунт билан ишлаши, касбий изланишлар йўлида кўп нарсалардан воз кечишига тўғри келаркан. Яхши созанда бўлиш ҳам, шогирдлар тайёрлаш ҳам осон эмас. Бунинг учун, аввало,

Яхшилар ёди

рух Мирсомонов ва машҳур созанда Фозил Харратовнинг шогирди бўлган. Улардан имкон қадар кўпроқ ўрганишга ҳаракат қилган. Ва албатта, ўздаги изланишга иштиёқ, меҳнаткашлик хислатлари ҳар қандай мураккаб асарни ҳам маҳорат билан ижро этишига замин яратган. Бу борада танқил созанда Тилш Ҳўжамбердиевнинг эътирофи диққатга сазовор: “Рустам Нейматов умр бўйи интилиб, устозлардан маҳорат сирларини синчковлик билан ўрганиб, ўзлаштириб ижод қилиб келди. Бу санъаткор XX асрнинг 70-йилларида чанг ижрочилигида юксак техникавий маҳорат эгаси сифатида чангчи-созандалар орасида карвонсарошлиқни қўлга киритди. Унинг ижросидаги асарлар оҳанраболиги, таъсирчанлиги ҳамда мукамаллиги билан ажра-

либ туради.”

Дарҳақиқат, устоз созанда П.Чайковскийнинг “Венгерча ракс”, Н.Паганинининг “Концерт”, Бетховеннинг “Крейцер соната”си, И. Брамсинг “5-Венгерча ракси”, Ф. Листнинг “2-Венгер рапсодияси” ва бошқа кўлаб чет эл композиторлари асарларини чанг созида оби-тобига етказиб ижро этиб, Германия, Франция, Англия, Болгария, Польша, Чехословакия санъат мухлисларини ҳам мафтун этган эди.

Р.Нейматов педагог сифатида ҳам ўзидан яхши шогирдлар қўлида, кўлаб мактаблар ва услубий қўлачларда яратди. Жумладан, чанг ижрочилигига бағишланган “Янгра сози”, “Чанг тараннум этганда”, “Даврим садо-си” каби дарсликларни мусиқа ўқув юртлари талабалари учун муҳим қўлачма бўлиб қолди.

Г. ФАЙЗИЕВА



ОТА ИБРАТИ

Муסיқий тадбирлардан бирида созанда ва педагог Сардор Нейматов билан танишиб қолдик. Сўхбатдан маълум бўлдики, Сардор таниқли чангчи-созанда, профессор, марҳум Рустам Нейматовнинг фарзанди экан. Касбим тақозоси билан Рустам Нейматовни, аввало, моҳир чангчи сифатида, қолаверса, шогирдларига мөҳрибон, айни пайтда талабчан, самимий бир инсон сифатида билардим. Рустам ака сизгамаида мақолалари билан қатнашиб турарди. Хуллас, Р. Нейматов моҳир чангчи, устоз мураббий сифатида ўзбек мусиқа санъатида ўзига ҳос из қолдирган санъаткор эди. От изини той босади, деганларидек, шундай одамнинг фарзанди бугун отаси ишини давом эттираётгани кўнғилмига илиқлик бағишлади. Сардорга бу ҳақда айтиганимда, шундай деди: “Биласизми, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки болалигимдан чанг созининг гоҳи шўх, гоҳ махсус оханларини ичиди улғайдим. Хали бу соз ҳақида аниқ тушунагача бўлмасам-да иккита одадий эпа

билимдон ва ҳассос устозлардан сабоқ олиш лозим. Шаҳсан ўзим Тўлқун Икромиддинов, Азим Лутфллаев, Аҳмад Одилов, Феруза Абдурахимова каби фидойи ва жонқур устозлардан кўп нарсани ўрганганман.” Айнан худди шундай ҳолат Сардорнинг отаси билан ҳам келган, Рустам ака моҳир педагог Фар-

Ташкент фото уюни 1989/2009: “Жўшқин дўб” — давр садовси” номида кўрсатма очилди. Унда Россия, Украина, Беларуссия, Грузия, Қозғористон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Германия фотосуратчиларининг фото ва видео санъати намуналари намойиш этилмоқда. — Кўрсатма Шарқий Европа — Марказий Осиё худудидидаги Гёте номидаги Германия маданият марказларининг биргаликдаги лойиҳаси бўлиб, Ўзбекистон Бадиий академияси кўмагида ўтказилаётир.

— Икки юзта фотосурат ва бешта видео ишлардан ташкил топган кўрсатмада ўтган йиллардаги ижтимоий ўзгаришлар эса эътирилади, — дейди кўрсатма раҳбари, берлинлик Оле Ройтер. — Асарлар “Ўзгариб бораётган Юле Ройтер” назар ташлаш имконини беради. Уларда ўн олти фотосуратчининг ўн

МАДАНИЙ ҲАЁТ

олти хил ёндашувини кузатиш мумкин. Кўрсатманинг бадиий концепцияси тўртта муҳим мавзуга асосланади: оила, ўзликни танлаш, урбанизация ва сийёсат. — Бу асарлар 2009 йил 10 июлда Германияда, Берлин Санъат академиясида ҳам намойиш қилиниди, — дейди Ўзбекистонлик Виктор Ан. — Берлин девори кулаши юблеясида бағишланган кўрсатма Эса Москва, Киев, Тбилиси, Олмаота, Бишкек, Санкт-Петербург, Новосибирск ва бошқа шаҳарларда муваффақият билан намойиш этилди. 8 октябрда давом этадиган кўрсатма доирасида Ўзбекистонлик ёш сурат усталари учун Оле Ройтер раҳбарлигида семинар ташкил этилиши режалаштирилган.

“Туркистон-пресс”

Хуршид Сатторовнинг «Навқирон Ўзбекистон» ёшлар кўргазмасида намоиш этилиб, ўзбек тасвирий санъати антологиясига киритилган «Зўраки чўпон» композицияси бир қараганда, рангларга у қадар бой эмас. Шу боис, гарчи дастгоҳли рангтасвир жанрига мансуб бўлса-да, у графикада таассурот уйғотилади. Бундай камранглик орқали оламни, ҳаёт тасвирларини янада аниқ-тинч қизғиларда томошабинга етказиш усули америкалик Эндру Уайет ижодида кўпроқ учрайди.

1973 йили Республика рассомлик билим юртини битириб, фаол ижодга киришган Хуршид бундай усулда асар композициясини яратишда, энг аввало, сюжетнинг шундай тарзда талқин қилинишига мос келишини ҳис қила олган. Шунинг учун ҳам асар чизгиларнинг нозик ва жонли ҳаракатлиниши, тусолларнинг латиф, ҳис-ҳаяжонга тўла ҳолатлари билан томошабинни дарҳол ўзига жалб этади. Муаллиф асар учун маконни дашту далалардаги ялангликдан танлайди. Манзарада гарчи баҳор фасли бўлса-да, мато юзаси рангдор қилиб безатилмаган, рассом кўпроқ қаҳрамонларнинг бир-бирига, борлиққа, чор-атрофга муносабати тасвирларига ургу беради.

Асарда ёруғлик сўндирилган, бироз гираширалик, тумансимон ҳарир парда сезилади. Ёш чўпон йигитнинг нимадандир лоф ураётганини кўрамайз. У тиз чўқкан ҳолда, қиз томон чўзилган кўйи бир нимани баён этаётгандек. Унинг ошиқ кўнгилида нималар содир бўлмоқда, бу бизга сир туолса-да, аммо унинг ҳолати, юз қиёфаси ҳар қандай шартга рози эканидан далолат. Шу ошиқлик боис қилаётган муқомлари томошабинда беихтиёр енгил табассум уйғотилади. Йигит бошидаги Шаҳрисабз дўпписи воқеанинг қайси маконда бўлаётганидан белги бериб туради. Яйлов, майсазорнинг кўёш булут ортига беркинган дон сўнгги манзараси, фақат оғзинга нур чўпоннинг яқини ва қизнинг ўз қисмига тушган. Қизнинг ўзбекиона кашталар акс этган кўйлиги ниҳоятда бежирим. Унинг майин ўрилган кокили бу либоснинг жозибасини янада оширган. Яйлов ўтлари кулранг, аранг билинади, фақат қўзғуллар ва оқчаканинг мурғак гуллардан ва чўпон безабодига гуллолардан баҳор эканини аёнлаймиш.

Йигитнинг жуссаси, кўриниши нозиклигини кўюк дарахтлар соясидаги чорпоининг бир тарафини ўзиники қилиб олиб, гупириб ўтирган Гупирдин наватдаги қадаҳни бир кўтаришда бўшатди-да, бўшаган пибелани гун этиб дастурхонга тўнтарди. Улфатлардан «Э, яшанг», «ган йўқ», «маладес», деган оқишларини мамнуният билан қабул қилиб олган, катта ишни дўндириб қўйгандай ялтирок тишларини кўрсата олмайди. Кейин «Бировдан чата-мин йўқ», деган яхши кўрган гапини яна бир қарра қайтариб қўйди.

Беш сўм, ўн сўм пулнинг бетига қарамаганиданми, ё хизмат қилиб юрган йигитларнинг хуштакаллуқлигини, ҳар ҳолда бу чўйқонада Гупирдиннинг ўзига яраша обрўси бор. Қолаверса, ҳалиги йигитчалар уни «серезний бойвачча» деб билишиб, юқори мартабали меҳмондай қутиб олишади. Шундан бўлса керак, кўнгили тусолади дегунча қадрдон улфатларини бошлаб шу ерга келаверади.

У газакча олган лўқман кўларини юмиб олганча, ҳузур қилиб чай-наётгандай, ўчакшигандай қўл телефони «жиринглаб» қолди. Оғзидаги сини апили-тапили у ёқдан-бу ёққа ўтказиб ютиб юборди-да, ёғли кўларини наридан бери артиб, «сотка» сини гилфодан чиқарди.

— Да!.. Эшитаман! Ким бу?!

У тарафдан овоз келди:

— Ассалому алайкум, Илҳомжон дўстим!

Гупирдин туюқчи кетди:

- Қанақа Илҳомжон, Илҳомжон нима қилади бу ерда?! Кимга телефон қилаётганини биласизми ўзи?
- Кечирасиз, биродар! — деди у тарафдаги киши хижолатомуз. — Минг бор уэр! Мен бошқа шаҳардан кўнғирок қилаётган эдим. Илҳомжон дўстимиз менга мана шу рақамни берган эди. Бошқа «компанияга» ўтиб

Кунни кеча «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш библиомасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Саҳнада замонавий қаҳрамон талқини» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бирлашма бош директори Омонулла Ризаев бошқарган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Миллий театр саҳнасида қўйилган драматург Эркин Хушвақтов қаламига мансуб «Сенсиз ўтмас кўнларим» спектакли ҳақидаги ёшларнинг фикрлари тингланди. Ёшларнинг кенгрок жалб этиш масалалари ҳусусида атрофдаги фикр юритилди.


Турли баҳо-мунозаралар руҳида ўтган тадбирда театршунослар, драматурглар, режиссёрлар, Саъят институти талабалари ҳамда «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари иштирок этди.

«Эски масжид» театрида театр-студияси ижодкорлари «Баркамол» ёшлар театри билан ҳамкорликда маданий-тарбиявий тадбирларни пахтакорларга қўйиладиган бўлиб кўрсатилган ҳузурида, дала шўла-булариди намоиш этмоқда.

Ўзбекистонда қизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова «Сенсиз ўтмас кўнларим» Шароф Рашидов, Маммур Тураев, Нигора Ҳайдарова ва бошқа истеъодли санъаткорлар ижро этаётган саҳна қўйишлари пахтакорларга байрат тўғрисида қўшмоқда.

Муҳтабар КАРИМОВА

КЎНГИЛ КЕНГЛИКЛАРИДА



дан, юзлари силлиқлигидан унинг чўпон оила-сидан эмаслиги билиниб туради.

Айни пайтда яқиндагина қўйган муртию, худди ёпиштирилгандек энди чиққан соқоли, ғайритабиий ҳаракати андак шўх нигоҳи бизга машҳур Шумболани эслатиб юборади. Қаҳрамонлар теварагиди ўз ҳолига ташлаб қўйилган сурув тасвирлардан. Унда қўй-қўзиларнинг турли ҳолатларини кўрамайз. Бариси-

да турлича ҳаракатлинишлар. Қиз эса жиддий қиёфада йигит сўзларини жон қулоғи билан тингламоқда. Бу манзара ишқ йўлида чўпонга айланган бойвачча ҳақидаги афсона-ни эслатиб юборади. Афсонага кўра, оддий бир чўпоннинг қизига бой-бадавлат кишининг фарзанди ошиқ бўлади. Икки оила ҳам уларнинг турмуш қуришига қарши, аммо йигит қиз билан мақомини тенглаштириш учун чўпон

ҲОВРИДАН ТУШИ...

кейтибди-да... Ҳм... демак, унинг телефони эмас, уэр! Уэр!

— Узир-пузирингни йиғиштир, оғайни! Эндиги сафар аввал билиб туриб, кейин тилпон қил бировга! Ҳу-ў! Туркани тағиди» туриб олиб, бўлар-бўлмасга тилпон қилверма! Одманни безовта қилиб! Э, ярама!

Гупирдин «богладимми» дегандай қилиб, рўпарада ўтирган улфатига бир кўзини қисиб қўйди:

— Кечирим сўраяману, ахир, жон биродар, кечиринг! Мен сизни бу даражада ўта банд, «крутой одам» эканлигингизни билмабман. Уэр!

Гупирдин у тарафдаги кишининг гапини бўлиб:

— Мени тушингандир-сан-а?!... — деб сўқинди, кейин ўлфатнинг ҳам берди. — Э, ўргилдим сен-дақа телефонбоздан!

— Тушундим, сиз мени кечиролмадингиз, билиб турибман. Энди, минг афсус, ўзингиздан кўринг... Биринчидан, мен сиз айтган «тупкининг тағиди» эмас, пойтахти азим Тошкентдан кўнғирок қиялпман, иккинчидан, бу ўта муҳим ишларни бажарувчи давлат идораси ва мен иш юзасидан подполковник Илҳомжон Мардоновга кўнғирок қилаётган эдим. Учинчидан, эртагаёқ меннинг номимдан ўша Андижондаги бизга қарашли идора йигитлари олдингизга келишади. Мана, меннинг тефтоним-да соткангиз рақами турибди. Агар мард бўлсангиз, яшаш жойингизни, исм-шарифингизни айтиб юборсангиз!

Мулоқотнинг бунақа тус олишини кутмаган Гупирдиннинг капалаги

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги «MADINA-BONUM» хусусий фирмаси (ИНН-203554774) ТУГАТИЛАДИ. Даво-лар икки ой давомидида 320-27-77 телефони рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ахборот технологиялар университети томонидан 29.08.2008 йил № 41504 рақам билан Нарзиев Жўрабек Жумаевич номига берилган рейтинг дафтарида йўқолган сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети томонидан Эр-салиева Лобар Мамуровна номига 1993 йил, ФВ № 994398 рақам билан берилган диплом йўқолган сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «QARANA-IMAGE» МЧЖнинг таъсис шартномаси йўқолган сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 29.01.2010 йил реестр № 005685-08 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН-301470562) «ALXLOS-NET» МЧЖ ТУГАТИЛАДИ.

adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
 Кабулхона — 233-52-91 Электрон манзилми: info@uzas.uz
 Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Саломат бўлими: 236-56-48
 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

«ЎЗАС» галереяси

бўлишга аҳд қилади. Композицияда худди мана шу жараёни кўриш мумкин. Қаҳрамоннинг чўпонликка нўноқлиги, зўраки эканлиги сурувнинг олатасир юриши, ошиқнинг фикри ёди фақат маъшқада эканида сезилади.

Муаллиф халқ амалий санъати намуналарига, миллий анъаналарга алоҳида эътибор қилади. Қиз қулоғида кўз томчисидек нозикина балдоқ. Эғнидаги каштали қўйлак унинг диди, фаросати нозиклигидан дарақ.

Асарда қиз либоси, йигит дўпписи ва тўрт дон дала лоласигина илиқ рангларда акс эттирилган. Аммо худди мана шу унсурлар матонинг бутун юзасини шўялалантиради, бошқа тусолларнинг ўзаро муносабатларига рангтасвир хусусиятларидан келиб чиқиб, таъсир кўрсатади. Ана шундай ечим туфайли тиззада ўтириб, йигитни оҳиста тинглаётган қиз ҳолатида оққўнгилик, маъсумалик, латофат, гўзаллик балқиб туради. У пардоз-андозсиз ҳам паризоддай покиза, қалбидида самимият юзидида жилва қилади. Йигит ҳолатида ички оташ, қалб тўғёнлари, ошиқу беқарорликни пайқаш қилин эмас. Тўлиб-тошганлиги, ҳис-ҳаяжони унинг юз қиёфасида, қўл ҳаракатларида табиий кўринади.

Рассомнинг асосий мақсади қалбларнинг ўзаро туташганини эмас, мана шу жараёнга интилишлари, етишишлари йўлидаги лаҳзаларни ифода этишдир. Бундай нозик лаҳзалар инсон умрини беэзаб турадиган энг азиз, энг унутилмас хотиралар кўзгуси, уларни бадийат тасвирлари орқали қайта томоша қилиш томошабин учун гўзал бир имкондир.

Биз бу ерда шиддат ва сокинликни, мафтункорлик ва сабрни, вазимнинг ва эҳтиросни ҳис қиламиз. Муҳаббат деб аталмиш мангу навонинг ўзига хос талқини рассом Хуршид Сатторовнинг «Зўраки чўпон» композициясида ана шундай жаранглайди. Ундан самимий таралган бу оҳанг ўзининг миллий руҳи, озоод қалб кенгликларини, заминнинг тўқимли таровати билан тасаввур оламини ёқимлантиради, завқ-шавқ бағишлайди.

Нодир НОРМАТОВ

па-соғсан-ку.

— Ҳа, кайфим учиб кетди, оғайни! Одил ўйлиниб қолган киши қиёфасида дастурхондан бир шинги узум олди-да, бош иргаб деди:

— Ҳа, бошинга не бало келса, тиллингдан келади. Тилни тийиш керак эди дўстим, тилни! Айниқса, танимаган, билмаган одамга!

— Тўғри айтсан, Одил. Ўзимдан ўтди. Энди нима бўларкин?

— Билмасам, ўйла. Каллани ишла! Гупирдин хар қанча калласини «ишлатиш»га уринмасин натижа чиқмади. Аксинча бошини қашлайверганидан соқларни хуроқайиб кетди: Улфатлар ҳам «Биз нима ҳам қилиб бера оламиз», дегандай мум тишлаб ўтиришибди. Айримлари уни-бун баҳона қилиб, туриб кетишди. Бир пайт қўл телефони яна жиринглаб

— Э, бормисан, Одил! Энг яқин дўстим эканлигингни билардим илгариям!..

— Э, тўхта, тўхта! Гупирма! Гапни охиригача эшит! Энди, бир йўла масаланнинг иқтисодий томонларини ҳам хал қилиб олсак... Сенингча, дастурхонга қанча кетаркин?

— Э, неча пул кетса кетар, галва чиқмаса бўлди.

Одил ўзича бўладиган харажатларни ҳисоблай кетди... Кейин анчагина думалок рақамларни Гупирдинга кўрсатди. Гупирдиннинг ранги ўчиб, эътирозга оғиз очмоқчи эди, Одил кўларини ёзиб, «Унда ўзинг биласан, иштиёринг», деди. Гупирдин дарҳол таслим бўлди.

Шартлашилгандек улфатлар икки кун қуришишмади ҳам, гаплашишмади ҳам. Гупирдин шу икки кеча-кундузи Боғишамолда, амакисининг дала ҳовлисида ўтказди. Битта чўпни у ёқдан бу ёққа олиб қўйишга ўрганмаган Гупирдин, ипақдеккина бўлиб дарахтлар остини ўтлардан тозалади, юмшатди, тартибга солди.

Учинчи кун эрта тонгда учрашишди. Одил Гупирдинга меҳмонларни қандай қутиб, қандай кузатиб қўйганлиги тўғрисида ҳисобот берди. Гап орасида, яхшиямки келган меҳмонларнинг ичидида икитаси таниш чиқиб қолган, биттаси катта холаси томонидан яқин қариндош эканини ҳам кистириб ўтди. Масаланнинг бунақангига осон ечимидан Гупирдиннинг оғзи қулоғида эди. Дўстига қандай қилиб миннатдорлик билдириб қўйишининг йўлини тополмасди.

— Дўстим, биласанми, муаммонинг бунақа ижобий ҳал бўлиб кетгани хурсандчилигига келгуси дам олиш кунига битта зиёфат қилиб бермоқчиман, — деб қолди негадир Одил. — Театрда ишлайдиган оғайини бор, актёр, унинг тақдирини қиламиз, — деб қўшиб қўйди. Келишилгандек ўша кунги ўтиришга жўралар ҳам бўлишиб, не маҳалгача чаққаллашиб ўтирдилар.

Муҳим ишни қотириб бажариб қўйган актёр йигит саҳнада ўзи ижро этган роллардан парчалар кўрсатиб, қўшиқлар айтиб қизқичликлар қилиб улфатларни роса қувонтирди. Аммо даврадагилардан ҳеч ким Одил билан актёр йигитнинг ҳар замонда бир-бирларига маъноли қараб, қулиб қўйишбағганини сезмасди.

Гупирдиний эса даврада бори-йўқлигини билдирмай, камсукумгина бўлиб ўтирарди...

Дурбек ҚўЛДОШЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Иход» жамоат фонди уюшма аъзоси

Анвар ЖўРАБОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига ҳамдардлиқ билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Иход» фонди уюшма аъзоси, танқиди шoir ва таржумон

Матназар АБДУЛҲАКИМнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изхор қилади.

СОҒЛИГИНГ — БОЙЛИГИНГ

Кун бўйи машина бошқариш соғлиққа қандай таъсир этади?

Тиббиёт фанлари номзоди Ю.Қақнинг фикрига кўра, агар кунига икки соатдан оширмай машина бошқарсангиз, соғлиққа ҳеч бир зиёни йўқ. Бироқ машина ҳайдаш бу муддатдан ошса, организмдаги ҳаракат фаоллиги чеклангани боис, моддалар алмашинуви жараёни бузилади ва бу семирини олиб келади.

Узоқ вақт физиологик жиҳатдан ноқулай тарзда ўтириб машина бошқариш оёқ ва бўйин атрофларида қон айланиши бузилишига олиб келади. Натижада кичик тосда қон туриб қолади ва умуртқа бўғимчаларига кўп юк тушади. Бу эса, радикулит ва остеохондрозга чалинишни тезлаштиради. Қон босими ҳам ошади, бу дегани инфаркт ва инсульт келиб чиқиш хавфини қучайтиради.

Кунига икки соатдан кўпроқ вақт машина ҳайдайдиган кишилар соғлиғида бундай кўнгилисиз оқибатлар келиб чиқмаслиги учун ҳар кунни жисмоний машқ қилиб туриши, айниқса, юқорида тилга олинган аъзоларни кўпроқ чиниктириши ҳамда очик ҳавода сайр қилишлари зарур.

Ҳаммомга тез-тез тушиб туриш иммунитетни ошириб, организмнинг касалликларга қаршилигини қучайтирадими?

— Бу фикр унчалик тўғри эмас, — деб ҳисоблайди профессор С. Соқуренко. — Ҳаммом организмга таъсир кўрсатишининг экстремал тури бўлиб, иммунитетни оширмайди. Фақат томирлар фаолиятини мустаҳкамлагани боис, улар организм эҳтиёжига қараб зарур даражада кенгайдиган ва торадайдиган бўлади. Бироқ бунинг ҳам шартли бор: одам ёш эллик-олтмишдан ошгандан кейин эмас, болалиқдан ҳаммомга тез-тез боришга одатланган бўлиши керак.

Бир пайтнинг ўзида соғуқ ва иссиқ дуд олиш организмни чиниктирадими?

— Бундай дуд ҳам қон томирларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бироқ ундан иммун тизими чиникмайди. Муздай сув бўйрақ, бурун ва томоқдаги сурункали хасталикларни қўзғаб қўйиши ҳеч гап эмас, — деб ҳисоблашади олиб тоифали шифокорлар.

Саримсоқ ва пийезнинг шиғоли хусусиятлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Ундан қандай фойдаланиш керак?

Уларнинг таркибидида эфир мойлари — фитонцидлар микробларга қирон келтириш хусусиятига эга. Пийези ҳолий эсангиз меъда зарарланиши мумкин. Қайнатилганда эса таркибидида учувчан моддалар таъсирини йўқотган бўлади. Шамоллаганда пийёз ва саримсоқни майдалаб бўлақаб уй ичига қўйилса, ундаги фитонцидлар шиғо бўлиши тайин.

Айни чоғда, шифобахш гиёҳлар қўшилган чойлар иммун тизимини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатади. АҚШ олимлари олиб борган тадқиқотларда қай таркибидида антиоксидантлар, «хитто» бромкол, саримсоқ, пийёз ва сабзидагидан ҳам кўплиги аниқланган.

Ўсимлик ёғлари, гречка, қўқатлар, ёнғоқ ва пистада иммунитетни мустаҳкамлайдиган Е дармондориси, сарик, қизғиш, тўқ яшил рангдаги мева ва сабзавотлар (сабзи, ўрик, шпинат, қовунда А дармондориси кўп).

Кўз-қиз мавсумида шамолламаслик учун ана шу неъматларга алоҳида эътибор беринг. Айниқса, сифатли оқватланмишда гап кўп. Шамоллаш чоғида парҳездордан тийилиш керак. Негаки, вирус ва микробларга қирон келтирувчи антителалар айнан оқсилга бой гўшт ва баллиқ маҳсулотларида кўп.

Бундан ташқари, кун бўйи очик ҳавога чиқмай идорада ўтириб ишлаш, айниқса, компьютер қаршида соатлаб ўтириш, иммунитетни ҳаддан ортқ даражада қарчатади. Шу сабабли, тоза ҳавода кўпроқ сайр қилиш ва кўп ҳаракатда бўлишининг фойдаси катта.

Янгизеландиялик олимларнинг тадқиқотларига кўра, шамоллаган болалар ҳароратини тушириш учун йилгига бир мартагина парацетомолдан фойдаланилганда 13-14 йилга ўсмирларда астмага чалиниш хавфи 43 фоизга ошган. Ойига бир марта шу доридан фойдаланилганда эса бу хавф икки ярим баробар ошган, айни пайтда, аллергик ринит ва экзема келиб чиқиб эҳтимоли қучайган. Бир ўшич қалқолар шамоллаганда парацетомол билан даволанганда улар олти-етти ёшга борганда астмага чалиниш хавфи қирқ олти фоизга, аллергик ринит 48 фоизга, экзема хавфи эса 35 фоизга ортар экан.

Иллинойс университети олимларининг тадқиқотларида ҳам бу ҳол тасдиқланган. Уларнинг фикрига кўра, болаларда барча ҳолларда учровчи астманинг қирқ бир фоизи парацетомол билан боғлиқ экан.

Бундан ташқари, ушбу дори воситасидан кўпроқ фойдаланилганда унинг таркибидида метаболитлардан бири тўпланиб қолиб, жигар тўқималарини шикастловчи моддага айланар экан. Шу сабабли, айниқса, алкоғол ичимликлар истеъмол қилувчилар бу дори билан даволанишдан эҳтиёт бўлишлари мақсадга мувофиқ.

«АиФ»нинг 35-сонидан олинди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MAJLISINING VA SPORT ISHLARI VAZIRLIGINI, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
 Кабулхона — 233-52-91 Электрон манзилми: info@uzas.uz
 Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Саломат бўлими: 236-56-48
 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташрифтаи келган қўёғамлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрирнинг натижасидан фарқлашиши мумкин.

Набатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВ Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.08

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4703. Буюртма Г — 848. Ҳажми — 5 босма табоқ, Нашр қўлганчи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5